Когда Сципион одержал победу в Испании, среди взятых в плен оказалась юная принцесса редкой красоты, которую, как ему сообщили, скоро должны были выдать замуж за одного ее знатного соотечественника. Он приказал, чтобы за ней ухаживали и заботились не хуже, чем в родном доме, а как только разыскал ее возлюбленного, отдал принцессу ему в жены, а деньги, которые отец ее прислал, чтобы выкупить дочь, присоединил к приданому. Валерий Максим говорит по этому поводу: «Eximia formae virginem accersitis parentibus et sponso, inviolatam tradidit, et juvenis, et coelebs, et victor».^c Это был замечательный пример сдержанности, выдержки и великодушия, покоривший сердца всех жителей Испании, которые, как утверждает Ливий, говорили: «Venisse Diis simillimum juvenem, vincentem omnia, tum armis, tum benignitate, ac beneficiis».^d

Таковы награды, неизменно венчающие добродетель; таковы характеры, которым ты должен подражать, если хочешь быть прославленным и добрым, а ведь это единственный путь прийти к счастью. Прощай.

Т Ё Л Қ И Н

Т О Ғ Л О Л А С И

(ҳикоядан парча)

Медицина институтини имтиёзли диплом билан тугатган Маъмурани поликлиника бош врачлари навбатчи врачликка тайинлаганди. У керакли асбоб ва дориларни жойлаб, уни орзиқиб ва муштоқ кутиб ётган беморлар томон йўл олди...

^b) Девушку необычайной красоты неоскверненной отдал родителям, которых для этого вызвал к себе, и жениха, сам будучи юн и холост и оказавшись победителем (*лат*).

^d) Прибыл юноша, подобный богам, и покорила всех не только силой оружия, но и щедротами своими и благодеяниями (*лат*).

шундай ёзади: "Шавкатли қария Фабриций ўчоғи олдида ўтириб, ўз қўли билан кавлаб олган илдизларни ер эди".

Сципион Испанияда ғалаба қозонади. Унга қўлга тушган асирлар орасида гўзалликда беназир малика ҳам борлигини ва уни бир аслзода ватандошига унаштириб қўйилган эканлигини айтишади. Сципион асирага ҳудди ўз уйидагидай шароитларни яратиб беради, сўнг унинг қаллиғини топтириб келиб, маликани унга тўй қилиб узатади. қизнинг отаси фарзандини озод этиш эвазига жўнатган пулни эса келин сепига қўшиб қўяди. Бу ҳақда Валерий Максим деган экан: "Ўзи ҳам хали ёш, бўйдоқ, бунинг устига ғолиб бўла туриб, гўзалликда танҳо қизни шаънига доғ туширмаган ҳолда ота-онаси ва қаллиғи қўлига топширди".

Шу эмасми ўзини тута билишлик, беқиёс олижаноблик белгиси? Бу билан у бутун испан халқининг меҳрини қозонган экан. Ливийнинг ёзишича, Сципион ҳақида испанияликлар шундай дейишган экан: "Бу йигит тангриларни ўзи-я. У бизни қурол кучи билангина эмас, ўзининг саховатлилиги, олийҳимматлилиги билан ҳам забт этди".

Мана сенга эзгулик учун мукофот. Обрў-эътиборли бўлмоқчи экансан, мана шунақа инсонларга, уларнинг ишларига тақлид қилишинг лозим. Ва бу бахтли бўлишнинг бирдан-бир йўли! Хайр.

**К. Носиров таржимаси.
«Жаҳон адабиёти», 2004, № 3.**

Т У Л К У Н

Г О Р Н Ы Й Т Ю Л Ъ П А Н

(отрывок из рассказа)

Сразу после окончания института Маъмура получила направление в поликлинику участковым врачом. С этого собственно, и началась её самостоятельная практика. Вот и сейчас она, собрав в чемоданчик все необходимые принадлежности, направилась по вызовам.

Вот и улица Алчазор. Маъмура повернула направо и увидела нужный ей дом. Ну, а этот, следующий пациент, каким оно кажется?..

У Олчазор кўчасидаги беморни кўриш учун орқасига бурилди. 97–уйда тураркан. Ишқилиб, бояги аёлга ўхшамасинда... Маъмура чўчибгина эшикни тақиллатди.

Остонада кўҳликкина жувон пайдо бўлди. Кўринишидан Маъмурадан ёш эди у.

-Сизни кутиб турувдим,опажон! Яхши келдингизми? – Маъмура билан ҳам самимий, ҳам миннатдор оҳангда кўришди жувон. Уни кўрган захотиёқ Маъмуранинг тунд хаёллари ёришган эди. Ўзи шунака, баъзи одамларни танимасанг ҳам, бир кўрсанг, гаплашгинг келеверади. Истараси иссиқ деганлари шу бўлса керакда! Баъзи одамлар эса бунинг акси: гаплашсанг ундан тезрок қутилгинг, ёнидан тезрок йироклашгинг, гапларини эшитгинг келмайди.

Маъмура бемор ётган хонага жувон ортидан йўналди. Жувон уни юзида акс этиб турган меҳрибонлик билан бошлаб борарди.

-Бутун тун мижжа қоққанлари йўқ. Якингинада кўзлари илинди, ҳозир уйғотаман! – жувон диванда уҳлаётган эрига якинлашганда, Маъмура уни тухтатди:

-Майли, безовта қилманг! Бироз кута қоламиз!

Улар айвондаги хонтахта ёнига тўшалган кўрпачага ёнма-ён ўтирдилар.

-Бу уйга яқинда кўчиб келдик, - деди жувон. - Ўзи асли бодомсойликмиз!

-Бодомсойликмиз?! - сўради Маъмура.

-Ҳа, - жавоб берди жувон, - адаси бу ерга ишга ўтдилар-у, шу уйга кўчиб келдик.

- Ким бўлиб ишлайдилар?

- Қурилишда ишлайдилар. Бир бўлимни бошлиғила шекилли!

Маъмурадаги ўзгаришни сезган жувон:

-Сиз ҳам бодомсойликмисиз? – деб сўради.

-Йўқ, - деди Маъмура. – Фақат бир кишини танирдим. Шунинг учун...

-Ким деган экан? – Жувон ўрнидан туриб, айвон остонасидаги газни ёқди.

Шкафдан вазадаги мева-чеваларни, тарелкадаги тўғралган тортни олиб, хонтахтага келтириб қўйди. Шу пайт хаста ётган хонадан йўғон овоз эшитилди:

Она протянула руку к звонку.

-Я как раз вас ждала, сестрица!

Смоляные волосы молодой женщины, ровесницы Мамуры, были туго затянуты цветным платком. В глубине красивых карих глаз, была искренняя радость. И грустные мысли Мамуры сразу улетучились. Бывают в жизни такие мгновения, что встретишься с незнакомым человеком и сразу же проникаешься к нему симпатией. А обмолвившись словом, так и хочется поговорить с ним и говорить. Это и есть, наверное, то, что называется людским взаимопониманием и теплотой.

Мамура направилась вслед за молодой хозяйкой в комнату к больному.

- Всю ночь не спал, бедняга! – вполголоса говорила женщина. – Вот только недавно заснул. Сейчас я его разбуджу.

- Не надо, - остановила ее Мамура. - Пусть поспит. Немного подождем.

- Ну, что, же, давайте присядем. - Женщина погрустневшим взглядом обвела комнату.

- Сюда недавно переехали. А сами-то мы из Бадамсая.

-Из Бадамсая? - удивилась Мамура.

-Мужа на работу сюда направили.

-А кем он работает, если не секрет?

-Строитель, начальник участка.

Лицо у Мамуры занялось румянцем. Заметив это, женщина спросила:

-А вы, что, тоже из Бадамсая?

-Нет,- ещё больше покраснела Мамура. – Просто был у меня там один знакомый...

-Как его звали? Может, я его знаю, - женщина разговаривая, доставала из шкафа конфеты, торт и ставила все это на стол.

Но тут из спальни донесся грубоватый голос:

-Мамура!

Мамура привстала... Голос ей показался очень знакомым.

-Это он меня зовет, - пояснила женщина, ничего не заметив. –Вообще - то, меня зовут Райхон. А дочку Мамурой. Но муж иногда путает и называет меня дочкиным именем...

Она направилась к больному.

-Маъмура!

Маъмура ўрнидан туриб кетди. Бунинг устига овоз ҳам таниш эди.

-Мени чақиряптилар! Қизимнинг исмини Маъмура қўйганлар! Отим Райҳон бўлса ҳам, мени қизимиз номи билан атаб, Маъмура деб чақирадилар. Сиз бир пиёла чой ичиб туринг, мен ҳозир! – пиёлада чой қуйиб узатгач, аёл бемор ётган хонага кириб кетди. – Мен бу ердан, дадаси! Врач опам келганлар! - деган овози эшитилди ичкаридан.

Маъмура қотиб қолган эди. Бу ўша ... Ўша ... Акбарали!.. ялт этиб хаёлига ўша хотиралар, ўша воқеалар келди-ю, кино лентасидай бир-бир ўзини намоиш эта бошлади.

ОЙБЕК

НАВОЙ

(романдан парча)

Султонмурод дарс учун мударрис мавлоно Фасиҳиддин хужрасига кириб, хайратда қолди. Яп-янги кўк шоҳи тўн кийган устод янги тақяга саллани бежаб ўрамоқда эди. Унинг ҳар вақт мулойим, очиқ юзи, оқ кўркам соқоли, бутун савлатдор гавдаси, унинг шошилаётганини, қувончини билдирар эди. Султонмурод унинг бирон олий даргоҳга отланганини фараз қилди. Мударрис саллани ўраб бўлиб, тўнининг силлиқ шоҳисини қўллари билан аста силаб-силаб қўйди-да, табассум билан Султонмуродга мурожаат этди:

- Маҳдум, буюн сизга таътил. Алишер Навоий жанобларини подшоҳ хазратлари муҳрдорлик вазифасига тайин этмишлар. Ёшлик замонларида жаноб Алишер бир неча вақт менда таълим олмиш эдилар. Рутбай олийлари¹ билан табрик этмоқ вазифамиздир.

Султонмурод подшоҳ билан Алишер Навоий орасида эски дўстликни эшитган бўлса ҳам, тез кунда бундай юқори вазифага кўтарилишини хаёл қилмаган эди. Шоирлик қудратини унинг қўлма-қўл юрган шерларидан билган, олимлиги ва инсоний фазилатлари ҳақида айниқса кейинги кунларда ҳамманинг оғзидан фавқулотда қизиқ, хайрат-бахш гаплар эшитгани бу шахснинг давлатда юқори пояга кўтарилиш хабари уни самимий

¹ Юқори мансаблари

- Я здесь, дорогой! Вот и врач пришла, - слышался из спальни ее голос.

- Хорошо. Дай-ка мне куртку пижамную, неудобно всё же. Мамура оцепенела. Это он. Конечно же, он, Акбарали!

Перевод Н. Красильниковы.

А Й Б Е К

НАВОИ

(отрывок из романа)

Султанмурад, войдя в комнату мударриса Фасых-ад-дина, остановился в удивлении. Учитель в новехоньком шёлковом халате тщательно наворачивал чалму на новую тюбетейку. Его неизменно краткое, открытое лицо с благообразной бородой и вся его величаява фигура выдавали радостное волнение. Султанмурад решил, что почтенный Фасых-ад-дин направляется в какой-нибудь знатный дом.

Мударрис, намотал чалму, расправил обеими руками складки халата и с улыбкой сказал Султанмураду:

- Сегодня вы свободны. Преславный Алишер Навои назначен хранителем печати его величества султана. В дни молодости господин Алишер учился некоторое время у меня. Наша обязанность поздравить его с высоким назначением.

Хотя Султанмурад слышал, что Алишер связан с государем старинной дружбой, он не предполагал, что поэт столь скоро получит такую высокую должность. Поэтическое дарование Навои было известно юноше: он читал его произведения, которые ходили по рукам, об Алишере как человеке и ученом он слышал много интересного и удивительного ото всех, особенно в последнее время. Весть о том, что подобный человек возведен на высокую ступень при дворе, искренне обрадовала Султанмурада.

кувонтирди, ҳам шу билан баравар, тунов кун ҳалвофурушнинг болахоносида Алишернинг Хиротга қайтганини илк эшитган чоғда кўнглида туғилган кучли орзу – шоирни кўриш иштиёқи, ҳозир унинг бутун борлиғини қоплаб олди.

- Таксир, демак сизни ҳам табрик қилмоқ мумкин, - деди Султонмурод тавозе билан, - чунки жаноб Алишер Навоий бир вақтлар сизнинг маърифат нурингиздан баҳраманд бўлган.

Мавлоно Фасиҳиддиннинг кўзларида шодлик тошди.

- Бу фақир шогирдингиз, - давом этди Султонмурод, - кўнглидаги бир муддаони арз этмоқ истайди.

- Қандай муддао? - жиддий тикилди Фасиҳиддин.

- Муддао шулки, - жавоб берди Султонмурод, - улуғ шоирнинг ҳузурларига жанобингизнинг сояси каби эргашиб борсам, на дерсиз?

Мавлоно Фасиҳиддин кўзларини ерга тикиб, маънодор сукут этди. Шогирд уни тараддудга солганидан алла нечук кўнгли ранжиди.

Фасиҳиддин ўзининг фавқулотда исътедодли шогирдини севар, унинг ғайрати ва билимларини мақтар эди. Лекин бу ёш йигитча учун ҳар вақт ортиқча ташвиш чекишга тўғри келар эди. Султонмуродга бир-икки соат дарс бермоқ учун, у баъзан ўз уйида хафталаб китоб кўрар эди. Бу нодир истеъдоднинг орзуларини ерда қолдиришга кўнгли ботинмас эди. Бирдан кўзларини ердан узиб, кулиб қаради.

- Хуросоннинг барча улуғ зотлари билан мулоқот қилмоққа сиз учун фурсат келган. Балли, бизга ҳамроҳ бўлингиз.

Мударрис ва шогирд мадрасадан чиқдилар.

Алишер яшаган уйда тантанали руҳ ҳукм сўрарди. Мулозимлар ҳурматли мударрис билан танилмаган шогирдни тўрдаги катта уйга таклиф этдилар. Қип-қизил гиламлар ёнган деворлари, шипи нақшдор, токчалари ганчдан ажойиб гуллар билан ишланган катта уйда бир талай одам ўтирар эди. Мавлоно Фасиҳиддинни тўрга ўтказдилар. Султонмурод эшик тагига тиз чўкди. Бу ердаги одамларнинг аксари Султонмуродга таниш бўлган ва турли илмларда ном чиқарган олимлар, ҳам Хиротнинг олдинги шоирлари эди. Булардан ташқари бир неча юқори мансабдорлар қимматбаҳо тўнларга ўралиб, улуғворлик билан ўтиришар, дарвешнамо, ташқи такаллуфларга бегона баъзи шоирларнинг қилиқларига, атворларига ғижингандай

- Вас, учитель, тоже, значит, можно поздравить, раз господин Алишер некогда пользовался светом наших знаний, - почтительно сказал Султанмурад.

Глаза Фасых-ад-дина засветились радостью.

-Ваш недостойный ученик, - продолжал Султанмурад, - хотел бы высказать одно свое сердечное желание.

-Какое желание? - взглянул на него Фасых-ад-дин.

-Мое желание, - ответил Султанмурад, - последовать за вами, как тень, в покои великого поэта...

Почтенный Фасых-ад-дин помолчал, устремив глаза в землю. Он любил своего одаренного ученика, хвалил его за знания и прилежание. Но этот юноша всегда причинял ему много забот. Чтобы дать Султанмураду двухчасовой урок, ему иногда приходилось по неделям читать дома книги. Подняв глаза, он с улыбкой посмотрел на Султанмурада.

- Пришло время вам встретиться со всеми великими особами Хорасана. Хорошо, сопутствуйте мне.

Учитель и ученик вышли из медресе.

В доме, где жил Алишер, царило торжественное настроение. Слуги пригласили уважаемого мударриса и никому неведомого ученика в большую комнату в передней части дома. В комнате, устланной ярко красными коврами с расписным потолком, стенами и полками, украшенными цветами из ганча, уже собрались гости. Маулана Фасых-ад-дина усадили на почетное место. Султанмурад присел у дверей. С большинством гостей Султанмурад был знаком: здесь собрались известные представители всех отраслей науки и выдающиеся гератские поэты; среди них гордо восседали несколько высших должностных лиц, разодетых в расшитые золотом халаты.

Алишера в зале не было, поэт еще не вернулся из дворца. Султанмурад сидел молча, прислушиваясь к негромким разговорам и из уважения к собравшимся не вмешивался в беседу. Через некоторое время кто-то сообщил, что поэт прибыл.

кўринардилар. Султонмурод мажлисдагиларнинг гапидан, Алишернинг хали саройда эканини фаҳмлади. Гангур-гунгур суҳбатга қулоқ солиб ўтирди. Орадан кўп вақт ўтмай кимдир шоирнинг келганидан хабар берди. Султонмурод дарҳол ўзини айвонга олди. Шу вақтда уйдагиларнинг аксари шу жумладан, Мавлоно Фасиҳиддин ҳам чиқди, ҳамманинг кўзи унда-бунда дарахтлар ўсган катта ҳовлида эди. Зарёқа тўн кийган, мағрур бир неча сарой одамлари орасида Султонмурод шоирни худди илгари кўргандек дарров таниб олди, кўзлари чексиз қувонч билан ёниб кетди.

Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлиқ ўралган кўркамгина салла. Эгнида одми шоҳи тўн, устида яланг кўнғир чакман... Навоий ўттиздан ошмаган бўлса ҳам, ёши улуғроқдек кўринарди. Қомати ўртадан баланд, ингичка, лекин пишиқ, бармоқлари узун ва нафис, қора ва қисқа соқолли, хушбичим, мийиқлари текис ва силлиқ; ёноқлари чиқикроқ, кенгина юзида доимий тафаккурнинг асл маъноси, маънавий қудрат ва енгил, гўзаллаштирувчи бир хорғинлик жилваланади. Қабарикроқ қовоқлари остидаги қийғоч кўзларида гўё тафаккур билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади.

Навоий лабларининг учида, кўзларида жиддий табассум, одамлар билан бирин-кетин кўриша бошлади. Мавлоно Фасиҳиддин шоир билан кўришиб ҳаяжон билан самимий табриклагандан сўнг, бармоғи билан Султонмуродга ишора қилди. Султонмуроднинг ҳаяжондан ранги бир оз оқарди. Қўлини кўксига қўйиб шоирга яқин келди. Бир оз энкайиб унинг қўлини сикди-да, бир қадам орқага ташлади.

-Каминанинг шогиртларидан, - деди ифтихор билан Фасиҳиддин, - нодир истеъдод. Замонамизнинг Абу Али Синоси бўлишига каминада асло шубҳа йўқ.

-Ҳурматли устозим камина шогирдлари ҳақида ғоят муболаға этдилар, - қўлларини қовуштирган ҳолда кулгансимон деди Султонмурод. Навоий дўстона табассум ва илиқлик билан Султонмуродга мурожаат этиб, уни қаерлик экани, қандай илимларни ўтгани ва ҳоказо ҳақида суриштирди. Султонмурод ҳақиқатни яширмади. Ўзи чуқур эгаллаган илимларни, бир қадар камтарлик билан айтиб берди. Бу вақтда атрофга тўпланган ва Султонмуродни танийдиган баъзи мударрислар ҳам унинг тўғрисида бирон нима дейишди.

Султанмурад тот час же направился на террасу. Гости, в том числе и Фасых-ад-дин, тоже вышли. Среди надменных царедворцев, одетых в шитые золотом халаты, Султанмурад сразу узнал поэта, словно уже видел его раньше. На голове Алишера возвышалась чалма, тщательно, со вкусом намотанная на остроконечную синюю тюбетейку. На плече был накинут неяркий халат, а поверх него – чекмень из простого темно-серого сукна.

Ему было не больше тридцати лет. Он был выше среднего роста, тонкий, но крепкий; черная короткая борода и усы были тщательно подстрижены. На широком лице с несколько выдающимися скулами лежал благородный отпечаток большой духовной силы. В раскосых глазах под припухшими веками светилось глубокая мысль, мечтательность и сила воли.

Навои, с улыбкой в глазах и в уголках губ, по очереди здоровался с присутствующими. Фасых-ад-дин, поздоровавшись с поэтом и принеся ему искренние поздравления, взволнованно указал на Султанмурада. Султанмурад, побледнев от смущения, приблизился к Алишеру. Сложив руки на груди, он отвесил низкий поклон и тотчас же сделал шаг назад.

-Ученик вашего покорного слуги, - с гордостью сказал Фасых-ад-дин. - Редкие способности. Я несколько не сомневаюсь, что он - будущий Абу-Али-Ибн-Сина.

- Мой уважаемый наставник чрезмерно превозносит своего недостойного ученика, - проговорил Султанмурад, снова почтительно складывая на груди руки.

Навои дружеской улыбкой обратился к студенту, расспрашивая, откуда он родом и какие проходил науки. Султанмурад скромно, но с достоинством перечислил науки, которыми основательно овладел. Собравшиеся вокруг мударрисы, знавшие Султанмурада, сочли долгом сказать о нем что-либо похвальное.

-Ҳиммат ва ғайратни асло қўлдан берманг, - деди Навоий суюниб.

-Эл, улус сиздек зотларга ғоят муҳтождир. Илим дараҳтини яхши парвариш этиб, юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмағимиз керак. Мана энди ошино бўлдик. Умид қиламанки, бизни ҳамиша йўқлаб турарсиз.

-Илтифотингиз учун қалбимдан ташаккур этамен, - деди Султонмурод титроқ овоз билан, - сизнинг маърифат дарёнғиздан баҳраманд бўлмоқ қадар улуғ соадатли тасаввур этмоқ имконсиздир...

Навоий Султонмуродни бирга олиб уйга кирди, юқорокқа ўтиришга таклиф этса ҳам, Султонмурод узр тилаб пастроққа ўтирди. Навоийнинг қалбини тушунмаган баъзи одамларда ҳайрат сезилар эди. Улар бу олача тўнли, фақир ёш муллабаччага бу қадар диққат ва илтифотининг нима кераги бор экан, деб ўйлар эдилар шекилли. Султонмурод баъзи кўзларда шу маънони очиқ сезаркан, унинг тасавурида Навоийнинг сиймоси бениҳоят юксалди, унга бўлган муҳаббат учун ҳеч чегара йўқ эди.

Муҳрдор шоир уй соҳиби бўлганликданми, ёки камтарликданми, ҳаммадан пастда ўтирди. У дастлаб Ҳиротдаги турли мадрасаларнинг ахволи, талабалар ва мударрисларнинг тирикчиликлари, вақф ишлари ҳақида гап очди. У кишиларнинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Кейин сўнги йилларда Ҳуросонда вужудга келган катта-кичик илмий асарлар, девонлар тўғрисида муфассал маълумот олишга тиришди. Қандайдир номсиз бир шоир тарафидан айтилган бир рубоий, бир байт ёки бир муаммо устидан сўз кетган тақдирда ҳам, Навоий жиддий ўтирди. Ҳамманинг қулфи дили очилгандек, мажлис қизиб кетди.

Султонмурод, гўё Навоийни иккинчи қайта кўриш насиб бўлмаслигига ишонгандай, ундан кўзини узмас эди. У Навоийнинг сиймосида камтарлик баробар, кибрдан манманликдан ҳоли бўлган чин, улуғвор бир ғурур, қўлларининг Навои ҳаракатида, сўзларкан лабларининг қимирлашида, табассумида овозида қандайдир майинлик, нозиклик, ингичка оҳанг сезар эди.

Мулозимлар дастурхон ёздилар. Меҳмонларга ҳар нав ширинликлар, писта, бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-мўл тортилди. Кейин чиройли чинни косаларда шўрва, лаганларда эт ва юмшоқ нонлар келтирилди.

- Будьте всегда старательны и прилежны, - удовлетворенно проговорил Навои, - страна нуждается в таких людях, как вы. Терпеливо выращивая древо науки, мы должны укреплять его корни в родной земле и собирать с него обильные плоды. Надеюсь, вы часто будете нас навещать.

- От всего сердца благодарю вас за внимание, - произнес Султанмурад дрожащим голосом. - Черпать из моря вашего знания - такое великое счастье, что большего представить себе нельзя!

Навои повел Султанмурада в комнату. Он указал юноше почетное место, но Султанмурад, извинившись, сел пониже.

Он ясно читал в глазах присутствующих недоуменный вопрос: "Зачем оказывать такое внимание этому бедному молодому студенту в грубом халате?"

Поэт, хранитель печати, потому ли, что он был хозяином дома, или из скромности, сел ниже всех. Он завел речь о положении гератских медресе, о жизни студентов и преподавателей, о вакфах, внимательно слушая, что говорят другие. Потом Навои принялся подробно расспрашивать о научных произведениях и поэтических диванах, написанных в Хорасане за последние годы. Даже если речь шла о рубаи, стихе или шараде какого-нибудь безыменного поэта, Навои внимательно осведомлялся об этом. У всех присутствующих просветлели лица. Беседа оживилась.

Султанмурад не отводил взгляда от Навои, словно боясь, что ему больше не выпадет счастья увидеть этого замечательного человека. Облик Навои, наряду со скромностью, являл подлинно величавую гордость, свободную от высокомерия и самомнения: движения рук были исполнены изящества, улыбка, голос поэта чаровали своей мягкостью.

Слуги разослали дастархан. Гостям были предложены в величайшем изобилии всякие сласти, фисташки, миндаль, сушеные фрукты. Затем принесли суп в красивых фарфоровых

Зиёфатдан кейин мажлисининг кексаси фотиха ўқиб, уй соҳибини дуо қилди, мажлис муҳрдор билан хушлашди.

М.Ю. ЛЕРМОНТОВ

ДЕМОН
Восточная повесть
(отрывок)

Часть первая

I

Печальный Демон, дух изгнанья,
Летал над грешною землей,
И лучших дней воспоминанья
Пред ним теснились толпой:
Тех дней, когда в жилище света
Блистал он, чистый херувим,
Когда бегущая комета
Улыбкой ласковой привета
Любила поменяться с ним,
Когда сквозь вечные туманы,
Познанья жадный, он следил
Кочующие караваны
В пространстве брошенных светил;
Когда он верил и любил,
Счастливый первенец творенья!
Не знал ни злобы, ни сомненья,
И не грозил уму его
Веков бесплодных ряд унылый...
И много, много... и всего
Припомнить не умел он силы!

II

Давно отверженный блуждал
В пустыне мира без приюта
Вослед за веком век бежал,
Как за минутою минута,

чашках, мясо на блюдах и мягкие лепешки. После угощения старейший из присутствовавших прочитал молитву фатиху, пожелал счастья поэту, и собравшиеся простились с хозяином дома.

Перевод М.А. Салье.

М.Ю. ЛЕРМОНТОВ

Д Е М О Н
(достондан парча)

Биринчи бўлим

I

Қувғинди рух, қайғули Демон
Гуноҳкор ер узра учарди.
Масъуд кунлар хаёли шу он
Кўз олдидан бир-бир ўтарди:
Малак эди тоза ва маъсум,
Хандон эди арши-аълода.
Ҳатто юлдуз мовий самода
Айлар эди унга табассум.
Ташна боқар эди ҳар замон
Олов сайёралар зиёри,
Қуюқ туманларнинг қўйнидан
Аста кечган карвонлар сари.
У замонлар, даргоҳи улуғ
Худовандни севар, инонар
Эди. На кин, на шубҳаси бор
Бу бахтиёр ва тўнғич махлуқ!
Бекор, бекорд кечган асрлар
Васвасага солмаган, имон
Тоза эди... Тағин нималар...
Эслагани йўқ эди имкон!

II

Жаҳон дашти ичра беватан
Кезар сарсон, қувилган каби.

Однообразной чередой.
Ничтожной властвуя землей,
Он сеял зло без наслажденья.
Нигде искусству своему
Он не встречал сопротивленья-
И зло наскучило ему.

Анна АХМАТОВА

СЕРОГЛАЗЫЙ КОРОЛЬ

Слава тебе, безысходная боль!
Умер вчера сероглазый король.

Вечер осенний был душен и ал,
Муж мой, вернувшись, спокойно сказал:

«Знаешь, с охоты его принесли,
Тело у старого дуба нашли.

Жаль королеву. Такой молодой!..
За ночь одну она стала седой».

Трубку свою на камине нашёл
И на работу ночную ушёл.

Дочку мою я сейчас разбужу,
В серые глазки ее погляжу.

А за окном шелестят тополя.
«Нет на земле твоего короля...».

Йиллар ўтар, яна йиллардан
Навбат кетар, минутлар каби.
Шод эмас у, ки ерда хоқон
Фанони дер, истар фароғат,
Шунинг учун ҳам ерда, ҳамон
Завқ олмасдан, сочар шарорат.
Санъатининг чеки йўқ кўкдай.
Хошишига қаршилиқ кўрмай
Ғазаб сочди, омонсиз юрди...
Сўнгра булар кўнглига урди.

Усмон Носир таржимаси.

Анна АХМАТОВА

ҚЎЙ КЎЗ ҚИРОЛ

Чорасиз дард, сенга-да иқбол!
Ўлди кеча тун қўйкўз қирол.

Куз оқшоми дим ва ол эди,
Эрим уйга қайтганда деди:

«Биласанми, юз берди овда,
Ётган экан эман олдида.

Шўрлик қиролича! Ёш қолди,
Бир кечада сочлари оқарди».

Трубкасин сўнг олиб беун,
Чиқиб кетда ишламоқ учун.

Ҳозир қизим уйғотиб қўйиб
Қўйкўзига боқарман тўйиб.

Саси келар чорбоғдан толнинг:
«Бу дунёдан кетди қиролнинг...».

Хуршид ДАВРОН таржимаси.

БУКВА «Р»

Пять лет Серёже в январе,
Пока - четыре, пятый,
Но с ним играют во диоре
И взрослые ребята.

Твердит Марина: - «Рак», «ручей», -
Марина учит брата.
Он повторяет: -«лак», «лучей», -
Вздыхая виновато.

И как на санках, например,
Он с гор летает смело!
Серёже только буква «Р»
Немножко портит дело.

Она твердит: - Скажи «метро»,
В метро поедem к дяде.
- Нет, - отвечает он хитро, -
В автобус лучше сядем.

На брата сердится сестра:
Её зовут Марина,
А он стоит среди двора,
Кричит: - Ты где, Малина?

Не так легко сказать «ремень»,
«Мороз», «река», «простуда»!
Но как-то раз в январский день
С утра случилось чудо.

Она твердит: - Прижми язык,
Прижми покрепче к нёбу! -
Он, как прилежный ученик,
Берется за учебу.

Чихнула старшая сестра,
Он крикнул: - Будь здорррова! -
А ведь не мог еще вчера
Сказать он это слово.

Алишер НАВОИЙ

ХОТАМИ ТОЙИ ҲИКОЯТИ
(«Ҳайратул-аброр» дан)

Ҳотами Тойига бир озодаваш
Дедики: «Эй Ҳимматинг озодакаш,

Токи сахо бўлди кафинг варзиши,
Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши?».

Дедики: «Бир кун қилибок жашни ом,
Индаб эдим бодия аҳлин тамом.

«Р» ҳарфи

Бешга кирар Сергей январда
Ҳозир тўртда, саликам.
Унинг билан ҳовлида,
Ўйнайди ўсмирлар ҳам.
У чанада дўнгликдан
Сирғанар кўркмай, бу рост!
Сергей фақат «Р» ҳарфин
Қийналиб айтар бироз.
Укасидан сал хафа,
Опажони Марина.
У бақирар ҳовлидан:
- Ҳой, қайдасан, Малина?
Опаси дер: - Тилингни
Тузатсанг яхши бўлар.
У тиришқоқ, ўқувчидай
Дарсликни қўлга олар.

Укасига ўргатиб
Таъкидлайди: - Рак, ариқ.
Сергей эса хўрсиниб,
Такрорлар: - Йак, айиқ.
- «Метро»да тоғамларга
Борамиз, - деб, айт, нуқул.
-Йўқ,, - дер Серёжа айёр, -
Автобусда юрган маъқул!
Ўнғай эмас, айтиш «камар»,
«қор», «дарё», «дарпарда»,
Аммо жуда қизиқ бўлди,
Эрта тонгда - январда.
Чўнг опаси чучқурганди,
Деди бирдан: - Мингга киринг,
Куни кеча шу жумлани
Айтолмаган эди, билинг.

Т. Адашбоев таржимаси.

Алишер НАВОИ

РАССКАЗ О ХАТАМЕ ТАЙСКОМ

Спросил Хатама некий человек :
«О славный муж, я прожил долгий век,

Но кто же равного тебе найдет,
С тех пор, как ты простер ладонь щедрот!

Матбах аро юз тева қурбон эди,
Қўю қўзи беҳаду поён эди.

Базм ичидин дашт сори бир нафас,
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас.

Сайрда кўрдум бир асири миҳан,
Бир кучоқ орқасига юклаб тикан.

Жисми уйин айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун.

Ҳар қадам олгунча тиниб муддате,
Ҳар нафас ургунча ўтуб фурсате.

Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараҳхум била қилдим хитоб:

«К-эй қадинг эмгак юки паст айлаган,
Жисмида ғам хори нишаст айлаган!

Даштда гўёки хабар билмадинг,
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?

Даъват этиб асру фаровон букун,
Қилди ямон-яхшини меҳмон букун.

Ташла тикан, гулшани иззатқа ет,
Чекма машаққат кўпу даъватқа ет».

Менда чу фаҳм этти бу навъ изтироб,
Бош кўтариб кулдию берди жавоб:

«К-эй солибон ҳирс аёғинга банд,
Озу тамал бўйнуга боглаб каманд.

Водийи ғайратқа қадам урмағон,
Кунгури ҳимматқа алам урмағон.

Ответил: «Я под сень шатров моих
Созвал однажды всех людей степных.

Чтоб изобильна трапеза была,
Барашков я зарезал без числа.

На том пиру мне душно стало вдруг.
Я вышел в степь, гостей покинул круг.

И на тропе глухой, среди песков,
Увидел старика с вязанкой дров.

Под этой тяжестью сгибался он,
Кряхтя, на посох опирался он.

Вся хижина телесная его
Шатался от бремени того.

Так, что ни шаг, он тяжело вздыхал
И, останавливаясь, отдыхал.

Я был взволнован видом этих мук
И ласково сказал ему: О друг,

Твой непосилен груз! Тебя язвит
Колючек ноша, как гора обид,

Ты – житель степи – видно, не слышал.
Что здесь у вас Хатам с шатрами стал.

Что он, дабы в сердцах посеять мир.
Всех, злых и добрых, звать велел на пир?

Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж
Яхшироқ андинки, биров берса ганж».

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендин анинг ҳиммати афзун эди.

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Банда дурур Ҳотами Тойи санга.

Соқий, аёк тут, карам изҳор қил,
Базлни Ҳотамга намудор қил.

Бизда чу май важҳига камдур дирам,
Камлик эрур биздину сендин карам.

Алишер НАВОИЙ

ҲОТАМИ ТОЙИ ҲИКОЯТИ (насрий баён)

Ҳотами Тойига бир кўнгли очик одам
деди: - «Эй ҳимматда эркин табиат киши,

Сахийлик кафтингга одат бўлгандан буён
ўзингга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми?»

У деди: - «Бир кун мен ҳамма учун йиғин қилдим.
Унга ўша чўлдаги одамларнинг ҳаммасини чақирдим.

Пишириш учун юзта туя қурбон қилинди;
сўйилган кўй-кўзиларнинг ҳам сон-саногии йўқ эди.

Базм бўлиб турган вақтда бирпас ҳаво олгим келиб,
дашт томонга чиқдим.

Сбрось ты колючек ношу с плеч долой!
В цветник добра, на пир идем со мной!

Мое волнение увидал бедняк;
Он улыбнулся мне и молвил так:

«Цепями алчности окован ты,
На шее у тебя – петля тщеты.

На башню благородства никогда
Не вступишь ты – не знающий труда.

Поверь: мой тяжкий труд не тяжелей,
Чем иго благодарности твоей.

И лучше мне трудом дирхем добыть,
Чем от Хатама стадо получить!»

И не сказал в ответ я ничего,
Склонясь перед величием его.

О Навои! Будь сердцем щедр во всем
Да будет сам Хатам твоим рабом!

Дай чашу, Кравчий, щедро нам служи,
Пример Хатаму Таю покажи!

Мы бедны. Не на что купить вино,
Тебе лишь море щедрости дано!

Перевод В. Державина.

Айланиб юриб, меҳнатда эзилган бир қари чолни кўрдим.
У орқасига бир кучоқ тикон-ўтун ортган эди.

Гавдасини у юк эгиб,
ҳасса билан вужуд уйига устун тираган эди.

Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб,
ҳар дам олганда маълум бир фурсат ўтарди.

У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб,
рахм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим:

-«Эй қаддини машаққат юки буккан,
танасида ғам тиканлари ўрнашган одам!

Даштда юриб хабаринг бўлмадимми?
Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг?

У ҳаммани ўзининг уйига чақириб,
яхшию ёмонни бугун меҳмон қилмоқда-ку.

Ўтинни ташла, иззат гулшанига бор,
машаққат чекиб ўлтирмай, тур, чақирикқа бор».

У менинг (унинг аҳволидан) изтироб чекканимни тушуниб,
бош кўтариб, кулдию шундай жавоб берди:

-«Эй, оёғини очкўзлик банд этган,
бўйнига ғараз ва қизғончилик сиртмоқ бойлаган,

Эй, ғайрат водийсида қадам босмаган,
ҳиммат қалъасига байроқ тикмаган одам!

Сен ҳам бу тикан ташиш азобини тортиб кўр,
Ҳотами Тойи миннатини эса торта берма.

Қийналиб, қўл билан бир дирам топиш
биров берган хазинадан яхшироқдир».

РАССКАЗ О ХАТАМЕ ТАЙСКОМ

Прозаическое переложение

Не было ещё на света людей щедрее Хатама Тайского. И славя его щедроту, некий человек спросил: «О славный человек, я прожил много лет и дох сих пор не знаю, есть ли тебе равные?»

Хатам ответил так:

«Однажды всех людей своей степной округи созвал на пир я. Множество баранов зарезал, стол от всяких яств ломился. И тогда мне стало душно вдруг. Я вышел в степь, чтобы надышаться вволю. Там, в степи, среди пустых песков я встретил старика. Он нас вязанку, ничего не видя, кроме своих ступней, худых, как сучья. От худобы он сам сучком казался. Вязанка, как свалившийся шалаш, его к земле клонила, как былинку. И вот-вот сломаться должен был.

Я был взволнован видом этих мук. И обратился к старику чуть слышно, когда остановился он на миг. Ему сказал я: «Непосильной ношей тебя с судьбой испытывает небо, которое гору таких печалей взвалило на тебя, на старика». Затем сказал я: «Разве ты не слышал, что где-то здесь, в твоей степной округе, Хатам остановился из Тая, что самый щедрый в мире человек. Он пир созвал, и там сейчас все люди, все земляки твои и чужестранцы, и стар, и млад. Так сбрось же эту ношу. Почтения к себе и ты отведай. Идем со мной, идем со мной скорее...».

Старик мое смятенье увидал и усмехнулся. Пот в морщинках был как будто бисер. Он сказал: «Прохожий, похоже, что ступни твои в цепях у алчности, у жадности в петле та шея, что согбенная не знает в долине бескорыстных устремлений.

Унинг сўзлари шундай ўринли эдики,
Шунинг учун ҳиммати ҳам меникидан ортиқ эди.

Эй Навойи, агар сенда ҳиммат бўлса,
Ҳотами Тойи ҳам сенга қулдир.

Эй соқий, қарам изҳор қилиб, бир қадах тут.
Хайру-эҳсон нималигини Ҳотамга кўрсатиб қўй.

Бизда май сотиб олиш учун пул кам.
Бизда етишмовчилик экан, сендан қарам бўлсин.

Насрий баён муаллифи
А. Ҳайитметов.

Эркин ВОҲИДОВ

САМАРҚАНД КЕЧАСИ

Мунажжим тасбеҳидан тўкилган доналардек,

Осмон узра сочилиб ярқирайди юлдузлар.

Ой шаъму теграсида учган парвоналардек,

То сахар жавлон уриб парпирайди юлдузлар.

Қаддини камон этиб, юзда табассум изи,

Кеча сукунатига қулоқ тутар янги ой.

Попробуй, понеси и ты мой груз, Хатамом старика не попрекая.
Но я трудом всего дирхем добуду, и будет он дороже
подношений».

Слова его, дороже благ различных, мне показали все его
величье.

Пересказ Х. ИСМАЙЛОВА.

Э. ВОХИДОВ

НОЧЬ В САМАРКАНДЕ

Словно четки свои невзначай уронил звездочет-
В синем небе рассыпаны крупные желтые зерна.
Их светильник луны до утра к себе властно влечет.
И они вокруг него все роятся, роятся, роятся покорно.
И в ночной тишине, точно лук, изогнувшись дугой.
Полумесяц луны не сомкнет воспаленного века:
Первым плачем ребенка нарушен сторожкий покой –
То не плач ли рожденного вновь Улугбека?

Эти спелые звезды – бери их в ладони, бери,
Собирай с небосвода, как яблоки с веток тяжелых,
Эти мудрые звезды я слышать готов до зари-
Столько в памяти их грустных былей и сказок веселых.
Вот мигают они, перешептываются во мгле,
Теплят свет надо мной – и светает душе понемногу.
Я иду по земле Улугбека, по древней земле,
Мне созвездье, открытое им, освещает дорогу.
Затихает в листве неумного ветра возня,
Месяц лодкой плывет, облака будто пену ероша.
Я иду по земле, и лежит на плечищ у меня
Самаркандское небо - счастливая звездная ноша.

**Перевод А.
НАЛБАНДЯНА.**

Ногахон эшитилса чақалоқнинг йиғиси,
Яна бир Улуғбек деб уйлаб қолди, ҳойнаҳой.
Самарқанд юлдузлари лаълимикан, дурдона,
Накш олмалар сингари териб олгим келади.
Ҳар бири сўйлар экан қадимдан бир афсона,
Саҳаргача кўз юммай қулоқ солгим келади.
Ана Ҳулкар – етти қиз имлар мени йироқдан,
Ойдин кўчалар бўйлаб шуълаларда оқурман.
Улуғбек қадам қўйган бу муқаддас тупроқдан,
Бу неча кўк уммони машъалларга тўлуғдур.
Ҳилолга қунган юлдуз сўзлар гўё елканда.
Қадимий шаҳрим узра кезаман, дилда ғурур,
Юлдуз тўла осмонни кўтарганча елкамда.

НОЧЬ В САМАРКАНДЕ

Словно зерна в четках звездочета,
светятся во тьме небесной звезды.
Полумесяц, вычерченный четко,
собирает вокруг себя их грозди,
И, лукавым изогнувшись луком,
в небесах посверкивая тонко,
тишину и ночь он хочет слушать,
ну, а слышит нежный плач ребенка.
Звезды Самарканда, мне ответьте:
что тот плач ночной собою значит?
Если плачут в Самарканде дети,
то не новый Улугбек ли плачет?
Улугбек... Открыл он эти звезды –
и жестоким было тьмы возмездье ...
Яблоками этой ночью поздней
падают к ногам моим созвездья!
Эти звезды два далеких века
единят своим бесстрастным светом ...
По земле священной Улугбека
я иду и думаю об этом.
Море – небо звезд полно несметных.
Лодкой полумесяц в бездну брошен...
И все небо в маяках бессмертных
на плечах моих – счастливой ношей.

Перевод Р. КАЗАКОВОЙ.

Қ А Н О Т

Инсонда қанот йўқ,
Ачинманг бунга.
Зотан унга юрак – сабот берилган,
Қушда-чи, сабот йўқ, шунинг-чун унга
Қочиб қолмоқ учун қанот берилган.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҚАБРИ ҚОШИДА

Мадорсиз қўлимга қалам олганда.
Ё узоқ йўлларда ҳориб толганда,
Бир номард қошида ожиз қолганда.
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Юлдузлар мисоли кулганда руҳим,
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Куйладим, фазога нақлим етмади,
Ўйладим, дунёга ақлим етмади,
Қай ишга қўл урдим, шахдим етмади,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Мен учун хилхона бўлганда олам,
Гумбазлар остидан чиқди бир алам:
-Ҳаётсан, бунчалар фарёд айлама,
Мен ўзим мададга зорман-ку, болам...

Абдулла АРИПОВ

К Р Ы Л Ь Я

У нас нет крыльев, наша ли вина?
И все же мы не чувствуем бессилья.
Что птица?
Совершенней ли она?
Способность мыслить птице не дана.
Не потому ли ей нужнее крылья?

Перевод Н. Гребнева.

Абдулла АРИПОВ

У МОГИЛЫ ПАХЛАВАНА-МАХМУДА

Когда мое беспомощно стило
И озаренья жажду, я как чуда,
Когда меня одолевает зло,
Я жду подмоги Пахлаван-Махмуда.

Когда мне светит яркая звезда,
На время забывается беда,
Когда ликует дух мой - и тогда
Я жду подмоги Пахлаван-Махмуда.

Когда мой свет, как прежде тускловат,
Когда не так слова мои звучат,
И я на свете ничему не рад,
Я жду подмоги Пахлаван-Махмуда.

...Опять мое беспомощно стило,
И жду я озаренья, словно чуда.
И снова слова в срочку не легло,
Я слышу голос Пахлаван-Махмуда :
-Мне самому, брат, было тяжело
Но помощи не ждал я ниоткуда.

Перевод Н.Гребнева.

ЎЗБЕК И С Т О Н
(қасидадан парча)

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор ўз юртин бутун
Олам аро атаган танхо,
Улар шеъри учди кўп йироқ
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ,
Битилмаган достондир бари.
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон ватаним маним.

Сергей ЕСЕНИН

Шаганэ ты моя, Шаганэ!
Потому что я с севера что ли,
Я готов рассказать тебе поле,
Про волнистую рожь при луне,
Шаганэ ты моя, Шаганэ.

Потому что я с севера что ли,
Что луна там огромней в сто раз,
Как бы ни был красив Шираз,
Он не лучше рязанских раздолий.
Потому что я с севера что ли.

Я готов рассказать тебе поле,
Эти волосы я взял у ржи,
Если хочешь, на палец вяжи –
Я нисколько не чувствую боли.
Я готов рассказать тебе поле.

УЗБЕКИСТАН
(отрывок из оды)

Мой край родной, я о тебе пою,
Ты для меня – вовеки несравненный!
Поэты славят родину свою,
И голос их звучит во всей вселенной
Летят их песни в дальние края
На серебристых крыльях неустанно,
А мой прекрасный край – земля моя!
Она, как былль неспетого дастана!
Но немощно перо моё, друзья, -
Узбекистан мой, Родина моя!

Перевод А.Иванова

Сергей ЕСЕНИН

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Билсанг, шимол ватандир менга.
Далалардан сўйлайми сенга.
Ой нур сепган башоқлардан ҳам,
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.

Билсанг, шимол ватандир менга.
Унда ой ҳам юз бора улкан.
Шероз қанча бўлмасин кўркам,
Азиз ўлка Рязандир менга.
Билсанг, шимол ватандир менга.

Далалардан сўйлайми сенга?
Сочим олмиш буғдойидан ранг.
Бармоғинга ўра хоҳласанг,
Зарра оғриқ сезилмас менга.
Далалардан сўйлайми сенга?

Про волнистую рожь при луне
По кудрям ты моим догадайся,
Дорогая, шути, улыбайся,
Не буди только память во мне
Про волнистую рожь при луне.

Шаганэ ты моя, Шаганэ!
Там, на севере, девушка тоже
На тебя она страшно похожа,
Может, думает обо мне...
Шаганэ ты моя, Шаганэ.

Расул ГАМЗАТОВ

ЖУРАВЛИ

Мне кажется порою, что джигиты,
С кровавых не пришедшие полей,
В могилах братских не были зарыты,
А превратились в белых журавлей.

Они до сей поры с времён тех дальних
Летят и подают ним голоса.
Не потому ль так часто и печально
Мы замолкаем, глядя в небеса?

Сейчас я вижу: над землёй чужою
В тумане предвечернем журавли
Летят своим определённым строем,
Как по земле людьми они брели.

Они летят, свершают путь свой длинный
И выкликают чьи-то имена.
Не потому ли с кличем журавлиным
От века речь аварская сходна?

Ой нур сепган бошоқлардан ҳам.
Олтин сочим сўйласин, дилдор,
Кул, ўйна-ю, даламни зинҳор
Эслатмагин менга, жонгинам,
Ой нур сепган бошоқларни ҳам.

Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Шимол ёқда бир нозанин бор:
Сенга ўхшар, ғоятда дилдор,
Балки мени ўйлар ул санам...
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.

Эркин Воҳидов таржимаси.

Расул ГАМЗАТОВ

2-й вариант

Мне кажется порою, что солдаты
С кровавых не пришедшие полей,
Не в землю нашу полегли когда-то,
А превратились в белых журавлей.

Они до сей поры с времён тех дальних
Летят и подают ним голоса.
Не потому ль так часто и печально
Мы замолкаем, глядя в небеса?

Сегодня в предвечернею порою
Вижу, как в тумане журавли
Летят своим определённым строем,
Как по земле людьми они брели.

Они летят, свершают путь свой длинный
И выкликают чьи-то имена.
Не потому ли с кличем журавлиным
От века речь аварская сходна?

Летит, летит по небу клин усталый –
Мои друзья былые и родня.
И в их строю есть промежуток малый –
Быть может, это место для меня!

Настанет день, и с журавлиной стаей
Я улечу за тридевяты земель,
На языке аварском окликаю
Друзей, что были дороги досель.

(Расул ГАМЗАТОВ. Собрание сочинений
в трёх томах. Том 1. Издательство
“Художественная литература”, Москва, 1968.)

Барот БОЙҚОБИЛОВ

НОТИНЧ ХУРОСОН

Еттинчи қўшиқ

Боғ сайридан қайтар Алишер ҳайрон,
Минг турли саволлар бошида ғужғон.

Сарҳовуз ёнидан ўтаётган пайт
Отасин кўрди-да, даврада хушбахт,

Бағрига отилди, бир даста амир
Гўё Алишерга эди мунтазир.

Тожида дур порлаб офтоб нурида,
Шохруҳ ўлтиради давра тўрида.

Али шоҳ қошида таъзимга келди
Ва аҳли даврага мамнун эгилди.

Зийрак Алишер ҳам тоғаси монанд
Таъзим бирла этди барчани хурсанд.

Летит, летит по небу клин усталый –
Мои друзья бывшие и родня.
И в их строю есть промежуток малый –
Быть может, это место для меня!

Настанет день, и с журавлиной стаей
Я полечу в такой же сизой мгле,
Из-под небес по-птичьей окликаю
Всех вас, кого оставил на земле.

(Расул ГАМЗАТОВ. Собрание сочинений
в пяти томах. Том 2. Издательство
“Художественная литература”, Москва, 1981.).

Барот БАЙКАБУЛОВ

ТРЕВОЖНЫЙ ХОРАСАН

Часть 1

Песнь шестая

Алишер из сада тихо шел домой,
В голове его жужжал вопросов рой.

Возле хауза отца увидел он,
Что толпой друзей был тесно окружен.

И в объятия эмиров он попал,
Каждый радость Алишеру выражал.

На почетном месте сам великий шах.
На чалме алмаз весь искрился в лучах.

На поклон Али предстал перед царем,
Уваженьем оказал он всем кругом.

А за дядей вслед, беря с него пример,
Всем поклон учтиво отдал Алишер.

Ҳавасманд кузатди бу ҳолни Шоҳрух,
Юзида барқ урди саодатли рух.

Меҳри жўшиб кетди, бир оз тиклаб қад,
Олий ният билан тилади омад.

«Отангдек улусда бўлғин баҳодир,
Баҳодир кимсалар ҳар ишга қодир».

Қўлини кўксига қўйиб лолагун:
«Қуллуқ, шоҳим!» - деди Алишер мамнун,

Отаси ёнига ўлтирди келиб,
Лек султон, кўзига ўтли тикилиб,

Деди: «Алишербек, отурсен камон?»
«Йўқ, тақсир! – деди у, дилда ҳаяжон. –

Фикрат камонидан ўқ отгум, аммо
Илму назм этмиш фақирни шайдо».

«Во ажаб», - деди-да, Шоҳрух лол қолди,
Қизиқсиниб тағин суҳбатга солди:

«Райингиз бўлмаса тийру камонға,
От миниб тушингиз, бўтам, майдонға».

«Майдонға тушурмен сиз каби, аммо,
От кўймоқдин фикр юритмак аъло.

Юлдузли осмонга тикилсам бедор,
Кўнглимда замзама қилади ашъор».

С доброй завистью взирал на это шах,
И улыбка засветилась на устах.

«Бахадуром был в улусе твой отец,
Знай, на подвиги способен лишь храбрец!»

Руку приложив к груди, исполнен сил,
Алишер владыку поблагодарил,

Подошел к отцу и рядом тихо сел.
Тут один эмир спросить не утерпел:

«Алишер, твоей руке подвластен лук?»
«Нет! – ответил он и посмотрел вокруг. –

Но из лука мысли я стрелять могу.
Стрелы слов прельщают вашего слугу».

«Удивительно» - эмир подумал вслух. –
В этом мальчике живет высокий дух!»

Старый воин подхватил беседы нить,
Стал он мальчику сердечно говорить:

«Верблюжонок, коль тебе не нужен лук,
На коня садись и вылетай на луг».

Мальчик стал похож на юного орла,
Что уже готов расправить два крыла.

И пылал во взоре твердости огонь.
Он ответил: «Если есть крылатый конь,

Вместе с вами полечу я в поле, но
Вслед за мыслью буду мчаться все равно.

Догоню воображеньем солнца луч,
Поднимусь за нужным словом выше туч.

Ведь когда парю я в звездной вышине,
То стихи звучат, как музыка, во мне».

Удивленье охватило всех вокруг,
И припомнил поговорку вдруг Шахрух:

«Лоб широкий у ягненка – сильный вырастет баран.
Лоб широкий у ребенка – стать поэтом жребий дан».

По душе пришлись слова Шахруха всем,
Послужили услаждением слуха всем.

Алишер их поразил своим умом,
Осветил их души ярким огоньком.

В сторону Гиясиддина бросив взгляд.
Встал домла Фасихиддин, за друга рад:

«Быстрота мышленья – молния наук –
Яркой лампой освещает все вокруг.

Мысли Алишера быстры, как стрела,
Широта ума все небо обняла,

Тонок вкус, и память острая притом,
А воображенья ввысь летит орлом».

Улучив момент, беседу согрет,
Казначей Шахруха тоже дал совет:

«Пусть ваш сын окажет золоту почет,
Человечество торговлею цветет!»

И на этот раз смолчать не смог,
Взглядом жарким он собравшихся ожег:

«Хороша торговля, - вымолвил боец, -
Но расти богатырем, как твой отец.

Алишер ақлига ҳайрон қолиб, жим
Бир четдан кузатиб турган мунажжим

Деди, аста силаб кумуш соқолин:
«Берсин парвардигор умру иқболин.

Ўқиб, мулло бўлсин, Улуғбек монанд,
Юлдузлар этмишди хаёлини банд».

Қуллуқ қилиб, деди бахтиёр ота:
«Илоҳим, тангри бахт айласин ато».

Меҳр офтобидин сочилганда нур,
Мирсаид суҳбатдан қилиб завқ, ҳузур,

Қучиб жиянининг кифтларидан шод,
Деди, гўё унга этгандек имдод:

Алишер бир ғазал айтса, не дерсиз?
Анжуман ўтмағай ҳирийда шеърсиз?

Қувонч нури бўлиб жонга пайваста,
Ғиёсиддин деди ўғлига аста:

«Қани, ўқинг, ўғлим, билурсиз-ку ёд,
Шеър билан этгайсиз кўнгулларни шод».

Чўкка тушди, қўлин қўйиб тизига,
Туйғулари оташ солди сўзига:

«Бўлмаса гар ул санам гулузор,
Бизга хазонтек ўла бу навбаҳор...»

Бир он сукут сақлаб, деди Алишер:
«Хаёл уйин бузмуш ошиқнинг бул шеър.

Кто стрелою защищает жизнь и честь,
В глаз народа тот не даст пылинке сесть».

И волнения отец сдержать не смог:
«Пусть, сынок, тебе дарует счастье бог!»

И у дяди тоже был довольный вид:
Наслаждался той беседой Мирсаид.

Алишера тронул с лаской за плечо
И сказал с волнением он горячо:

Пусть газель прочтет – не зря сказал поэт,
Что в Герате без стихов собраний нет!»

Мирсаида поддержал Гиясиддин,
Улыбаясь, он сказал: «Смелее, сын.

Повторять стихи ты можешь без конца,
Прочитай газель, порадууй нам сердца».

Мальчик замер, чуть склонилась голова,
В свою очередь, на казахский язык переведены произведения поэтов и писателей Каракалпакстана. Из поэтических произведений на казахском языке изданы стихотворения Бердаха в сборнике "Амудария ауендери", вышла в свет "Антология каракалпакской поэзии". Казахские читатели получили возможность читать на родном языке повесть Мирзагали Дарибаева "Один из тысячи", романы Тулепбергена Каипбергенова "Каракалпакнамэ", "Дочь Каракалпакстана" и другие произведения.

Объявление нынешнего года в Казахстане Годом Узбекистана, определение будущего года в нашей стране Годом Казахстана способствуют укреплению литературных связей между нашими народами.

В нашей стране принято отдельное постановление об изучении и пропаганде творчества Абая, в Казахстане на таком же высоком уровне уделяется внимание изучению творчества Алишера Навои. Ибо, Алишер Навои – это великая личность, одинаково высококочтимая не только среди узбекского народа, но и на всем Востоке, в частности среди тюркских народов. Казахскому народу тоже издавна знакомо и близко творчество великого мыслителя. Особенно с большим интересом оно изучается в Южном Казахстане. Великого узбекского поэта Абай считал своим наставником. Под вдохновением от произведений великого мастера созданы поэма "Ескендир", а также поэма "Лейли-Меджнун" брата и ученика Абая Шакарима.

В 1949 году в Алма-Ате на казахском языке был издан сборник избранных произведений Алишера Навои. Вступительное слово к сборнику написал известный писатель Мухтор Аvezов. Известные поэты Д. Абилев, А. Тожибоев, Г. Урмонов и другие перевели стихи Навои на казахский язык.

Поэма "Стена Искандера" из "Хамсы" Навои в переводе казахского поэта Несипбека Айтова издана отдельной книгой под названием "Ескендир корганы".

15 августа 2018.

Н. ИБРАГИМОВ

ПАТРИАРХ АРАБИСТИКИ

В 1935 году в одном из каирских журналов была опубликована статья известного египетского писателя Махмуда Теймура. В нем он, в частности, писал: «Я шлю ему искренний привет, выражая чувства дружбы и благодарности, которые питает к нему весь арабский мир.

Ведь человек, который всю жизнь посвятил ознакомлению западного мира с арабской культурой, который открыл нам путь, чтобы занять наше место среди мировых литератур, достоин высочайшего сана в наших сердцах».

Кому предназначал Махмуд Теймур восторженные слова, проникнутые любовью и признательностью? Самому крупному и советскому и мировому арабисту академику Игнатию Юлиановичу Крачковскому. Статья писателя приурочена к 30-летию научной деятельности величайшего знатока и исследователя арабской литературы.

Игнатий Юлианович искренно верил, что содружество ученых разных стран и континентов, доброжелательное, уважительное отношение к другим культурам, взаимное их изучение помогут укрепить, как он говорил, связи братства и мира среди народов.

Наверное, не все знают, что Игнатий Юлианович Крачковский жил в Ташкенте. Воспоминая годы юности, патриарх арабистики тепло отзывался о ташкентцах. Он считал, что в известной мере выбор его жизненного пути определился яркими впечатлениями детства, пробудившими острый интерес к Востоку, к народам, населяющего его.

Вот бы установить улицу, дом, где жил И. Ю. Крачковский! Возблагодарить великого знатока ислама, переводчика Корана за

величайший научный подвиг, который он совершал всю свою жизнь.

Когда волею судеб семья Крачковских поселилась в Ташкенте, няня научила маленького Игнатия говорить по-узбекски. Это был первый восточный язык в его жизни.

Каникулы гимназист Крачковский проводил в небольшом имении в Виленской губернии. Оно принадлежало его отцу, известному просветителю и исследователю Западного края. Такая вот популярность взглядов: отец глубоко изучал Запад, сын – Восток. В доме имелась богатая библиотека – улада Игнатия Юлиановича. Он без устали поглощал книги, многолетние комплекты журналов.

Как-то на глаза ему попался старинный портрет араба – патриарха антиохийского Макария, дважды посещавшего Россию в XVII веке во времена царствования Алексея Михайловича. Юный любитель востоковедческой науки заинтересовался этим человеком, заворожила его и таинственная арабская надпись под портретом. Искренне недоумевал Игнатий: как же так, араб – и христианский патриарх, ведь арабы – мусульмане?

Лишь потом, по прошествии лет, он узнает, что не все арабы приняли ислам – были среди них и христиане, им принадлежало значительное место в истории арабской культуры.

Осенью 1901 года Игнатий Крачковский начал учиться на факультете восточных языков Петербургского университета. Много занимался языками. Позже, размышляя о том, сколько же иностранных языков должен знать востоковед, Игнатий Юлианович пришел к выводу, что более десятка, не считая основных восточных (сам он читал литературу на 26 языках).

Университетский курс И. Ю. Крачковский окончил в 1905 году. Итоги были блестящие – диплом первой степени и золотая медаль факультета восточных языков за сочинение «Царствование халифа аль-Мехдия по арабским источникам».

Потом он провел два года среди арабов. В библиотеках Бейрута, Каира, Александрии пережил немало радостных минут познания нового, неизведанного. Оживляя рукописи, Крачковский возвращал из забвения имена их авторов. Одним из таких открытий была написанная им книга о шейхе Тантави, который обучал арабскому языку студентов Петербургского университета.

Но, пожалуй, самое главное место в научной деятельности Игнатия Юлиановича занимали перевод Корана и исследование его как памятника. Он задался целью сделать адекватный литературный перевод Корана и в 1921 году начал исполинский труд, идя своим, оригинальным путем.

Почти тридцать лет продолжалась эта колоссальная работа. Первый вариант перевода Крачковский окончил в 1930 году, но издавать его не торопился, без конца совершенствовал тексты, уточнял смысл слов, выражений, составлял примечания, историко-филологические комментарии.

Когда началась война, Игнатий Юлианович, его жена и коллега по арабистике Вера Александровна Крачковская оставались в блокадном Ленинграде. Почти ежедневно академик шел по Университетской набережной до главного здания Академии наук, где располагался Институт востоковедения, или до библиотеки Академии наук. Это был опасный маршрут – он постоянно обстреливался. Как и в мирные дни, проходили научные заседания. Одно из них, посвященное узбекскому поэту Алишеру Навои, состоялось 27 декабря 1941 года под председательством Крачковского в библиотеке Академии.

Крачковский работал напряженно. За десять месяцев в блокаде он написал более 25 печатных листов труда об арабских географов. Сознание, что жизнь может прервать в любую минуту, заставляло подолгу, сколько хватит сил, сидеть за письменным столом. Одна за другой рождались главы книги «Над арабскими рукописями». Этот труд Игнатий Юлианович закончил уже в Москве, куда его вместе с женой вывезли в июле 1942 года. В мае 1945-го года книга вышла в свет. Вскоре ее перевели на арабский, английский, французский, немецкий языки.

А вот завершить работу над переводом Корана в задуманном объеме Игнатий Юлианович не успел. Он умер внезапно, поздним морозным вечером, 24 января 1951 года. Его похоронили на Волковом кладбище. Вьются затейливые арабские буквы на бронзовой ограде вокруг гранитного обелиска на могиле И. Ю. Крачковского: «Смерть – это вход, куда вступает каждый...». Сказал эти слова Абу-л-Атахия, поэт VIII столетия, творчеству которого посвятил свой первый научный доклад 23-летний Игнатий Крачковский.

Перевод Корана был подготовлен к печати В. А. Крачковской, В. И. Беляевым и П. А. Грязневичем и опубликован через 12 лет после смерти Игнатия Юлиановича, в 1963 году.

В предисловии издатели так охарактеризовали значение этого труда: “Выполненный труд одним из лучших знатоков Корана, выдающимся арабистом нашего времени, он послужит надежной основой для дальнейшей работы над этим важным и интересным, но и чрезвычайно трудным для понимания и перевода памятником истории, языка и литературы арабского народа в переломный момент его исторического бытия и будет способствовать его всестороннему изучению”.

“Народное слово”, 1991, 19 июля.

Н. ИБРАГИМОВ

РУССКИЙ ГЕНЕРАЛ – ПЕРЕВОДЧИК КОРАНА

Каждому, кто интересуется исламом, известно о существовании двух переводов Корана на русский язык, выполненных непосредственно с арабского первоисточника. Первый принадлежит русскому востоковеду и православному миссионеру Г. С. Саблукову (1804-1880). Второй выполнен патриархом отечественной арабистики академиком И. Ю. Крачковским (1883-1951). Он пытался создать адекватный литературный перевод, используя научные подходы. Хотя его работа, начатая в 20-е годы, и не была доведена до конца, тем не менее, перевод И. Ю. Крачковского до сих пор считается одним из лучших переводов Корана на иностранный язык.

Но был, оказывается, ещё и третий перевод Корана на русский язык. Лишь очень немногие специалисты знают о нем. Кто же автор перевода? Генерал русской армии, блестящий военный и дипломат Д. Н. Богуславский. Свершил он свой титанический труд 120 лет тому назад. К сожалению, рукопись этого перевода долгие годы пролежала в архиве. Лишь теперь эта интереснейшая работа станет доступной читателям.

Дмитрий Николаевич Богуславский родился в 1826 году. Он происходил из дворян Нижегородской губернии. Образование

получил в Михайловском артиллерийском училище в Санкт-Петербурге. Кроме того, он учился на восточном факультете Санкт-Петербургского университета, в совершенстве знал арабский и турецкий языки.

Богуславский сделал блестящую военную и дипломатическую карьеру, став в 41 год генерал-майором, а в 52 – генерал-лейтенантом. Оставаясь офицером Главного штаба, Богуславский в 1861 году был зачислен в Азиатский департамент Министерства иностранных дел. Семь лет проработал в Турции. Затем участвовал в переговорах с Китаем по Имитскому краю...

Так вот, о Коране. Работу над ним Дмитрий Николаевич начал ещё в годы службы в Константинополе. Вот как говорил об этом сам: «Живя долгое время на Востоке, и, занимаясь в свободное от службы время мусульманской литературой, я начал перечитывать внимательно Коран, делать из него выписки и переводить самые трудные... места, пользуясь комментариями мусульманских учёных. Это меня заинтересовало, и я незаметно перевел почти весь Коран».

В чем же своеобразие перевода Богуславского? Его отличают отточенность и живость языка, динамичный стиль, яркость образов.

Давайте вместе прочитаем один из отрывков седьмой суры Корана – «Препятствия»:

101) После них мы послали Моисея с знамениями нашими к Фараону и его сановникам. Но они были нечестивы. Посмотрим же, каков был конец грешников.

102) Моисей сказал: о Фараон, я – посланный от Господа вселенной.

103) Поистине, я не могу говорить о Боге, кроме правды. Я пришел к вам явными чудесами от Господа вашего; отпусти со мной сынов Израиля. Фараон отвечал: если ты явился с чудесами, покажи их в удостоверение правды своих слов.

104) Моисей бросил посох, и он явно обратился в змею.

105) Он вынул руку свою (из-за пазухи), и она стала белою для зрителей.

106) Сановники Фараона сказали: это – ученый чародей!

107) Он хочет выгнать вас из вашей земли. – Что вы прикажете делать?

108) Они отвечали: удержи его и его брата и пошли во все города людей, чтобы собрали.

109) И привели к тебе всех ученых чародеев.

110) Чародеи собрались перед Фараоном и сказали: будет ли нам награда, если мы выйдем победителями?

111) Разумеется, – отвечал Фараон, – вы будете из числа моих приближенных.

112) Чародеи сказали Моисею: ты ли бросишь первый, или мы бросим?

113) Он отвечал: бросайте вы. И, бросив, они околдовали взоры людей и устрашили их. Это было удивительное чародейство.

115) Тогда мы открылись Моисею, сказав: брось посох твой!...и вот он поглотил жезлы чародеев.

116) Они были побеждены и отступили уничтоженными.

117) И чародеи преклонились ниц (перед Богом).

118) И сказали: Мы веруем в Господа вселенной.

119) Господа Моисея и Аарона...»

В настоящее время Коран в переводе Д. Н. Богуславского готовится к изданию массовым тиражом совместным советско-иорданским предприятием «Дом Беруни» в Москве. Перевод Корана, выполненный Д. Н. Богуславским, получил одобрение представителей мусульманского духовенства СССР.

«Народное слово», 19 июля 1991г.

А. МЕЛИБОЕВ

ОЛИМНИНГ ЎЛЧОВСИЗ УМРИ

Олимнинг ёши у яшаб ўтган йиллар билан ўлчанмайди. Ҳаётнинг ўзи жуда қадимдан бор бу гапни тез-тез исботлаб, ёдимизга солиб туради. Бундай кишилар умр бўйи чеккан захматлари, инсонлар қалбини илм зиёси билан ёритганлари ҳисобига шундай улуғ мартабага эга бўладилар. Илмий давраларда, ижодкор зиёлиларнинг баҳс-мунозараларида уларнинг номи соғинч билан тилга олинади.

Шундай инсонлардан бири, шубҳасиз, шарқшунос-манбашунос олим, араб ва форс тилида битилган нодир қўлёзмаларнинг синчков тадқиқотчиси, фан арбоби Исматулла Абдуллаев эди.

Ҳамкасб дўстлари, кўплаб шогирдлари Исматулла ака ҳақида, албатта, хотиралар ёзишади. Мен эса у киши билан бўлган мулоқотларим асосида устознинг бошқалар нигоҳидан бир мунча четда қолган баъзи хислатларига қисқача тўхталмоқчиман.

Саксонинчи йилларнинг охирида Наманганда кўп нохуш воқеалар юз берди. Ўшанда баъзи маҳаллий раҳбарлар ислом динини тарғиб қилиш ниқоби остида юртимизга турли йўллар билан кириб келиб, ёшлар онгини захарлаётган, тўғри йўлдан адаштираётган кимсаларнинг асл нияти нима эканлигини тушунмай, "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман", дея бамайлихотир юраверишди. Бундан фойдаланган ғаламислар кун сайин фаоллашиб боришарди. Кутилмаганда вилоят газетасида олим Исматулла Абдуллаевнинг ваҳобийлик нақадар зарарли, хавфли оқим эканлиги тўғрисидаги ҳайқирик мақоласи эълон қилинди. Унинг ёнига шоир Ҳабиб Саъдулланинг огоҳлик достони кўшилди. Виждони уйғоқ икки ижодкорнинг унча-мунча жасоратдан кам бўлмаган бу чиқишлари кўпларнинг кўзини очди.

Исматулла Абдуллаевнинг илмий фаолияти пойтахтда кечди. Халқимиз маънавий меросида муҳим ўрин тутадиган ўнлаб нодир асарларни ўзбек тилига ўгирди, зарур изох ва кўрсаткичлар билан чоп эттирди. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли йирик асарининг ўзбекча таржимаси олимнинг масъул муҳаррирлигида нашрдан чиқди. Бобораҳим Машраб, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар, номлари адабиёт ихлосмандларига унча таниш бўлмаган бир қатор шоирлар ҳаёти ва меросини тадқиқ этишга астойдил киришиб, йиллар мобайнида муттасил тадқиқот олиб борди. Ёши етмишга борганида шукроналик билан Наманганга қайтди ва бутун умри давомида йиққан, тўплаган бойлиги — бир неча минг нусхадан иборат нодир китобларини маҳаллий университет кутубхонасига совға қилди. Ҳеч муболағасиз, бу ҳам маънавий жасоратнинг бир кўриниши эди.

Олим Наманганда яшар экан, талабаларга, сабоқ бериш, нодир қўлёзмаларни қидириб топиш, илмий ўрганиш ва чоп

қилишдан асло тўхтамади. Бошқалар ҳам билишлари керак, менинг ўзим бундай қўлёзмалардан бир нечасини Исматулла хожи ота ўзи тенги дўст-қадрдонлари билан бирга, нафақа пулларини тўплаб босмахонадан чиқаришгани ва ўқувчиларга хайрия қилишганидан хабардорман.

Исматулла ака матн устида эринмай ишлайдиган, сўз ва ибораларни тўғри қўллашга одатланган ва буни бошқалардан ҳам талаб қиладиган олимларимиздан эди. Бир гал у киши Тошкентга келиб, ўша пайтдаги Матбуот Давлат кўмитасининг раҳбарлари олдига кириб нашриётларда чоп этилаётган китобларда тилимизга сингиб кетган арабча-форсча ва диний-исломий иборалар баъзан ноўрин ва нотўғри қўлланилаётганидан шикоят қилади. Раҳбариятнинг илтимосига биноан тизимдаги барча ношир-муҳаррирларга махсус маъруза ўқийди ва шундан кейингина хотиржам бўлиб, Наманганга қайтади.

Исматулла ака куюнчак одам эди. Кексайиб қолган, касаллик хуружи сезилиб, оғизлари куриб туришига қарамай, тахририятга одоб-ахлоқ мавзусида ихчам мақолалар олиб келар, ютуқ-камчиликларимизни самимий кўрсатиб, бизни эринмасликка, хато қилмасликка ундаб турар эдилар. Саксон ёшга тўлишлари арафасида: "Яқинда йирик китобим нашрдан чиқади, биринчи бўлиб сизларга ўқишга бераман", деганлари ёдимда колди. Бу китоб олим вафотидан уч-тўрт кун кейингина қўлимизга тегди.

Ҳар гал, бирор бир жумла ёки мураккаброқ ибора устида тўхталиб қолганимда, устоз Исматулла аканинг куюнчак чехраси кўз олдимда намоён бўлади.

ОИЛА САБОҚЛАРИ

1. ФАРЗАНД БУРЧИ.

Бу дунёда яшаётган инсонларнинг бир-бири устида фойда-ю зарар жиҳатидан ҳақлари бор. Бундай ҳақларнинг улуғлари бола устида булган ота-она ҳақларидир.

Ота-она боланинг саодати учун тун-кун саъй ҳаракат қилиб, тарбия этадилар, оёғини мактаб сари йўллаб, хунари санъат ўргатадилар. Бу тўғрида чеккан захматлари тинимсиз бўлиб,

юздан бирини бўлса ҳам ҳаққини бермоқ оз кимсаларгагина муяссар бўлар.

Кекса-ю заиф бўлиб қолган отасини кўтариб юриб, едириб ичираётган бир инсофли зот, сўз мавриди келиб ўз отасига: “Эй мухтарам ота! Сизлар ёш вақтимда мени қандай тарбия этган бўлсангиз мен ҳам шундай тарбия этмоқдаман. Фикримга кўра оталик ҳаққига вафо этдимиз сизнинг машаққатларингиз ҳаққини бердим”, деганида бунга жавобан отаси: “Эй, азиз ўғлим! Сендан Аллох рози бўлсин! Тарбиянгдан мен рози, ташаккур билдираман. Лекин мен сенинг йигитлик кунларингни кўриб роҳатланмоқ ниятида узок умрли-ю саломат бўлмоғингни умид қилиб тарбия этганим холда, сен балки, менинг дунёдан ўтмоғингни орзу қилиб тарбия қилмоқдасан. Зеро, менинг истиқболимдан умиду, фойда йўқдир. Энди ахвол бундай булганидай менинг тарбиям билан сенинг тарбиянг қандай тенг бўлар”, деган экан.

Бола тарбиясида бўлган машаққатларнинг энг мушуки оналар устида бўлиб, булар хатто шариат ҳукмига кўра ўзларига юкланмаган кўп хизматларни ўз яхшиликлари билан бажарарлар.

Бечора она ўзи оч бўлгани холда боласини тўйдирар. Ухлашга фурсати бўлгани холда, боласини ухлатишга тиришар, боласининг шодлиги билан шодланар, қайғуси билан қайғурар. Бу хизматлар устига яна эрининг уст бошини, меҳмону ходимларини ҳам тарбия қилар. Жуда кўп оналар ёш болаларини арава билан тортиб, бир неча чақирим ерга борарлар-да, кун бўйи ўроқ урарлар, бошқа дала хизматларини бажарарлар. Тўғриси, бу каби хизматларни оналардан бошқа ҳеч кимса бажара олмас. Бундай хотинларнинг ҳар бирига минг раҳмат айтиб, кўнгилларига тасалли бермоқ лозим бўлгани холда, баъзилари раҳмат ўрнига эрларидану қайин оналаридан танбеҳ эшитиб турарлар. Бу иш, албатта, гўзал эмас. Бундай хотинларнинг умидлари фақат болаларидан бўлар.

“Таржимон”, №4 (55) 1992.

2. УЙЛАНТИРИШДА ОТА ОНАНИНГ ВАЗИФАСИ

Эрга бериш вақти келганида қиз болани молсизу мансабсиз бўлса-да, диёнатли-ю тақводор, тарбияли кимсага беришга

ҳаракат қилиш ота-онанинг вазифасидир. Аллоҳдан кўрқувчи-ю элу-юртдан номус қилувчи зот хотинини севса, ҳурмат билан сақлайди, муҳаббати бўлмаса жафога солмайди.

Молу мартабага кўз тикиб, бузуқ этиқодли-ю динига эътиборсиз кимсаларга қиз бермоқ муносиб эмасдир. Мол-дунёси нақадар кўп бўлса-ю дунё даражаси нақадар буюк ҳисоб этилса-да, охират илмига кўра йўқ ҳукмидадир. Салафларда муътабар олим Саъид ибн ал-Муссайиб хазратларининг қизини шул вақтнинг халифаси Абдумалик ибн Марвон ўзининг валийаҳди бўлган ўғли Валид учун сўраганда Саъид хазратлари рад этди-ю, ўзининг фақир бир шогирдига икки ёки уч дирҳам маҳр баробарига эрга берди.

Болаларни уйлантирганда ихтиёрсиз қилмоқ жоиз бўлмагани каби тамом ихтиёрларига солиб, бир четда томошабин бўлиб турмоқ ҳам муносиб эмасдир. Зеро тамом ихтиёрларига берилганда ёшлик мастлигидан эҳтимол янглишарлару янглишганларидан ғофил бўларлар-да кейинроқ пушаймон қиларлар.

Жабр билан бўлган никоҳдан кўнгиллар бир-бирига ўхшамаганидан маишатлари заҳарли бўлар. Болаларнинг саодати матлуб бўлганида зўрлаб никоҳ этмоқ раво бўлмас. Жабр билан бўлган никоҳнинг кўпроқ сабаби қизларини бадавлат кишининг хотини этмоқ қасдида қари бойларга берадилар. Лекин саодат ҳеч вақтда мол билан сотиб олинмайди. Тарбияли қизларни тарбиясиз бойларга бермоқлик саодатли никоҳ эмас, балки мол эвазига вужуд сотмоқдан иборатдир.

Ақлу шариат жиҳатига кўра марғуб бўлган никоҳ ҳар тарафнинг ризоликлари ва хушнудликлари билан бўлган никоҳдир. Агар болалар тажрибалари озлиги сабабидан ота-оналар мувофиқ кўрган кимсалар ҳақида мамнуниятсизлик изҳор этсалар, бу тақдирда кўнгилларидаги шубҳаларни тўғри сўз билан тарқатиш, муродларини майл эттирмоқ учун ҳаракат қилиш лозим. Ҳар қандай бўлса ҳам болаларни жабрлаб никоҳ этмоқлик раво эмасдир.

Зеро болалар мол эмасдирларки, беихтиёр бировга сотилиб кетсалар.

Тарбия жиҳатига кўра бир-бирига тенг бир-бирини истаган йигит билан қизнинг никоҳларига ёлғиз фақирлигини сабаб кўрсатиб, ризолик бермаган ота-оналар ўз вазифаларини адо

этган бўлмаслар. Чунки ахлоқи гўзал кимсанинг фақирлиги айб эмасдир. Молсиз одам, одамсиз молдан хайрлидир.

“Таржимон”, №4 (55) 1992.

К. НОСИРОВ

МЕН БИЛГАН НАВРЎЗ

Шўролар даврида Наврўз нималигини деярли билмаганлигимиз, фақат охирги бир неча йилгина, ўшанда ҳам турли тақиқлар остида, нишонлана бошланганлиги ҳақида гапириб, ҳозирги ёшларни ишонтириш қийин бўлса керак. Чунки уларнинг тасаввурида бу буюк байрам халқимиз орасида қадим-қадимдан узлуксиз равишда давом этиб келаётган анъана. Ваҳоланки...

XX аср, 50-йилларнинг биринчи ярми. Болалик хотираларимда бир нарса яхши сақланиб қолган: Ачамиз (ўша пайтлар бизда онани шундай деб аталарди) бир неча қўшни аёллар билан қишлоқ четидаги «Туғдор бувом» мазорига «Ис чиқарамиз» деб кетишди. Мен уй пойлаб қолдим. Мазордан қайтгач, онамиз дастурхон ёзиб: «Ҳалим пишириб келдик, еб ол», - деб товоқда таом қўйдилар. Кичирага ўхшаш, товоққа яйратиб сузилган овқат. Кейинчалик билсам, буғдойдан тайёрланар экан. Маззаси ҳали оғзимда, бошқа ҳеч кўрмадим бундай таомни. Тилимизда яхши таом тўғрисида «Ҳалим бўлиб пишибди» деган ибора бежиз пайдо бўлмаган бўлса керак. Ишдан қайтган отамизга: «Норозлик қилгани борувдик», - деб тушунтирдилар онамиз. «Норозлик» сўзи ҳамон қулоғимда янграйди. Бола бўлсам ҳам, ўшанда мен: «Нега мазорга норозилик қилиб боришаркин? – деб хаёлимдан ўтказдим, яъни «норозлик»ни мен «норозилик» деб қабул қилгандим ўшанда.

80-йиллар охирига келиб Наврўз анъанаси удумларимиз сирасига тўлақонли равишда қайтгач, «норозилик» кўҳна байрамни унутаёзган халқимиз тилида «Наврўз» сўзининг бир оз бузилган шакли экан, деган хулосага келдим.

Ўшандан сўнг «норозлик» сўзини ҳам эшитмай кетдим. Аммо, баъзан баҳор таътилларида домлаларимиз раҳбарлигида қир-адирларга чиқиш бўлиб турарди. қувламачоқ ўйнаб югуришлар, футбол, калтакесакларни қувишлар, тошбақа топиб

олганларнинг бир олам кувончи ва ҳ.к... ёрқин, кувноқ хотиралар. Бундай табиатга саёҳатларимиз мактаб тилида «поход» (рус тилидан кирган) деб юритиларди.

1967 йил, март. Биз Наманган шаҳар 2-мактабида педамалиёт ўтаётган 4 курс талабалари, мен ва менинг бўлажак турмуш ўртоғим М. Мамажанова, синфимиз ўқувчиларини мураббий раҳбарлигида ана шундай походга олиб бордик. Шербулоқ адирликларига қилинган бу саёҳатимиз ҳаммамизда яхши таассурот қолдирди. Лекин ҳали «Наврўз» сўзи кириб келмаган эди тилимизга.

1985 йил, март. Янглишмасам, Наманган Давлат педагогика институтида биринчилардан бўлиб ўзбек тили факультети Наврўз байрамини нишонлашни анъанага киритди. Институтимизнинг кекса, энг обрўли устозларидан бўлмиш Т. Ғозибоев декан эди факультетга. У киши мени, яъни турдош рус тили факультети деканини меҳмон сифатида таклиф этади. Сермазмун ва гўзал байрам тадбири менга жуда-жуда ёқиб тушди. Келгуси йили ўзимизнинг факультетда ҳам уюштирдим. Лекин, дастлабки йиллар бу билан боғлиқ қаршиликларга ҳам дуч келдим. Кўп миллатли, Европа руҳидаги талабалар, педагоглар онгига «Наврўз»ни сингдириш осон кечмади. Кўпчилик назарида бу исломий байрам эди ва уни қабул қилишни истамасдилар. Бундай тасаввурни бартараф этиш учун анча-мунча азият чекишга тўғри келди.

80-йилларнинг охири, янглишмасам, 1988 йил эди. Республика миқёсида Наврўзга кенг кўламда тараддуд олиб борилаётган кунлар. Кўчалар, истироҳат масканлари «Ассалом, Наврўз!» ва шунга ўхшаш шиорлар билан безатилган. Бирданига буйруқ бўлиб, «Ассалом, Наврўз» ёзувлари «Ассалом, баҳор»га айлантирилди. Коммунистик-атеистик тузимнинг сўнги талвасаларидан эди бу. Лекин келгуси йили Наврўз анъаналари яна тўлақонли равишда тикланди; тикланганда ҳам мамлакатда ҳукмрон бўлган коммунистлар партияси раҳбарлигида амалга оширилди. Мустақиллик йиллари эса Наврўз анъаналарига алоҳида тароват касб этди. Эндиликда миллий байрамларимиздан бирига айланган Наврўз ижтимоий, маданий ҳаётимизда беқиёс аҳамиятга эга ва буюк анъананинг бугунги ранго-ранг кўринишларини таърифлаб ўтиришига эҳтиёж йўқ. Шундай

бўлсада, 2009 йилда мен иштирок этган бир тадбир тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман.

Уйчи йўналишидан Наманганга кириб келаверишидаги Яккатут қишлоғини кўпчилик билади. Мен у ердаги диққатга сазовор нарса – улкан тут дарахтини кўргани аввалроқ атайлаб бир неча марта боргандим. У билан боғлиқ афсона-ривоятларни эшитиб, ёшларни олиб бориш керак, деб ният қилган эдим. Вакт – соати 2009 йил экан. «Муқаддас Лира» ёшлар адабий клубининг бир гуруҳ аъзолари ҳамда доцентлар А. Турдалиев ва Ҳ. Ризаев раҳбарлигидаги ёш рассомлар билан Наврўз кунларининг бирида Яккатут томон сафар қилдик. Кўклам эмасми, теварак-атрофда кўкатлар сабза урган. Далаларда дехқонлар баҳорий юмушлар билан машғул. Ҳорма-бор бўлдан сўнг, биз Яккатут атрофида гурунги қурдик. Илтимосимизга кўра гурунгимизга ташриф буюрган қишлоқнинг уч нафар нурунийлари бу улкан дарахт тўғрисида ёшларга сўзлаб беришди.

«Отамизнинг айтишларича, уларнинг оталарининг оталарини ҳам кўрган экан бу дарахт. Айтишларича, ўша кезларда ҳам худди шундай баҳайбат экан. Дарвоқе, Норин дарёсининг ўзани қадимда худди мана шу ердан ўтган. Кемачилар («қайиқчилар» бўлса керак - Қ.Н.) кемаларини шу ерга боғлашар экан», - ҳикоя қилади оқсоқоллардан бирлари.

Дарҳақиқат, чамаси 100-150 метр куйироқда дарёнинг эски ўзани излари кўзга ташланади. Ёшлари 90 дан ўтган буванинг бу ҳикояларини таҳлил қилиб, хулосалаш мумкинки, Яккатут ёши камида 500 атрофида.

«Бу дарахтни илоҳий билиб, кўпчилик хотин-ҳалажлар узоқ-яқиндан келиб, зиёрат қилиб, ис чиқариб туришади. Лекин мен айтсам, бу ернинг мозори йўқ. Зиёратгоҳ бўлиб қолганлигининг боиси кўхналиқда. Не-не замонларни, не-не инсонларни кўрмади бу тут», - давом эттирди иккинчи нуруний.

«Қадимда шу атрофда бир аллома яшаган экан. У кишининг дами ниҳоятда кучли бўлган экан. Бир кун, баҳор пайти, дарё суви тоша бошлайди, қирғоққа чиқиб. Шунда у уламо: «Нари тур», - деганлар экан. Сув, бўйсуниб, чекина бошлаган. Йиллар ўтиб ҳозирги ўзани топиб олган экан. «Нари тур» сўзи бора-бора «Норин»га айланган экан», - дейди учинчи мўйсафед.

Қизиқарли суҳбатдан сўнг ёш рассомлар ишга тушиб кетишди. Улар Яккатут атрофида кимга қандай қулай бўлса

шундай жойлашиб олиб, азим дарахтнинг турли кўринишларини тасвирга тушира бошлашди. Ёш шоирлар эса атроф далаларни айланишди, эски дарё ўзани қирғоқларидаги тепаликларга чиқиб, сайр қилишди. Бу, албатта, шоирона кайфият, илҳом учун зарур... Фотоаппаратлар, мобилкамералар ҳам тинмай ишлади. қизиқишиб, дарахт йўғонлигини кўл тутишиб, ўлчаб чиқишди – 14 кулоч экан.

НамДУ қошидаги 2-Академик лицей директори, педагогика фанлари номзоди, доцент, шу қишлоқда истиқомат қилувчи Комилжон Абдуллаевнинг хонадонида талабалар билан биргаликда меҳмонда бўлдик. Саховатли хонадон соҳиблари анча тараддуд кўришган экан, яхши ҳордиқ чиқардик. Ёш рассомларнинг ҳали бўёқлари қуриб улгурмаган асарлари салқин ҳовли деворлари бўйлаб териб қўйилган. Шу ерда мушоира бошланиб кетди... Хуллас, яхши байрам, яхши маънавий ҳордиқ бўлди. Мезбонларга чуқур миннатдорчилик билдириб, шаҳарга қайтдик.

Бу тафсилотларни келтиришимдан мақсад, демокчиманки, ҳозирда анъанага айланган умумшаҳар, жамоавий катта йиғинлар қаторида, мана шундай кичик-кичик табиат қўйнига чиқишлар ҳам ёшларда Наврўз кайфиятини яна ҳам чуқурлашишига ёрдам беради, кўҳна удумларимизга, тарихимизга эътиборни мустаҳкамлайди. Мангу навқирон Наврўзнинг кўринишлари чексиз.

“Наманган ҳақиқати”, 20.03.2011.

Дилором МАНСУРОВА,
преподаватель русского языка
и литературы 2-го Наманганского медицинского колледжа

ТЕТРАДЬ С ЛЕГЕНДАМИ ЮЖНОГО УРАЛА



На снимке: Село Межевой Лог; группа студентов факультета русского языка и литературы Наманганского государственного педагогического института, выезжавшая в июле 1987 года под руководством преподавателя кафедры русского языка и литературы Ф.А. Ходжаева на фольклорную практику в Челябинскую область России (слева направо): Юсупов М., Ходжаев Ф.А. (ныне проживает в РФ, профессор), Гинзбург И.Н. (преподаватель Челябинского госпединститута), Лазарева В., Казюрина И., Данько Л.В. (преподаватель кафедры русской и зарубежной литературы НГПИ), Ибрагимова З., Кенчимова Г., Арефьева С. (преподаватель Челябинского спрецинтерната), Линская С., Мансурова Д. (на переднем плане).

"Добро пожаловать в Наманган, челябинцы!". Этот материал я прочла два месяца назад в моей любимой газете "Наманганская правда", но, к сожалению, очень поздно. Делегация в Намангане пробыла всего два дня, но какие насыщенные и плодотворные были эти дни. Об этом я тоже узнала из своей любимой газеты, судя по подборке материалов, посвященных челябинцам. Помню, взяла в руки газету, и тут меня захватила волна воспоминаний.

Я вернулась мыслями в годы студенчества. Много лет назад, во время учебы на факультете русского языка и литературы Наманганского государственного педагогического института, нас отправили на фольклорную практику в сторону Южного Урала.

Мы ездили по окрестным селам, беседовали со стариками и собирали предания и легенды, частушки, сказки и пр. Бабушки и дедушки относились к нам благожелательно и всегда готовы были помочь. Интересно, что многие бывали в Узбекистане и тепло отзывались о нашей стране, у кого-то были родственники в нашей республике. Тогда много было фронтовиков, которые рассказывали нам о войне. Помню деда, который прослезился, вспомнив, как получил на фронте посылку от школьников Узбекистана с шерстяными носками, изюмом и курагой, запиской с надписью "Солдат-ака, бейте фашистских гадов!"

Мы помогали старикам по хозяйству, носили воду, кололи дрова, готовили еду. Я не забуду вкус и аромат испеченного в русской печи каравай. Богатство и разнообразие природы, обрамленные озерами леса, реки, луга – все это не передать словами. Мы собирали грибы и ягоды, шишки, ловили рыбу и жарили ее на костре. В селе Межевой Лог мы провели концерт, пели узбекские песни, танцевали лязги, всем понравилась песня "Наманганские яблоки".

Это было незабываемое время, я до сих пор храню тетрадь с легендами земли южноуральской. В то время многие наши студенты смогли побывать в Москве, Казани и других областях России и получили прекрасную языковую практику, усовершенствовали свои знания. Думаю, было бы целесообразно возродить подобное сотрудничество, это оказало бы позитивное воздействие на подготовку преподавателей-русистов.

И еще. Зная южноуральские красоты, я очень сожалею, что не смогла в те дни приезда к нам челябинцев посетить выставку работ российских фотографов, воочию увидеть их творения, великолепные пейзажи. Мне кажется, что подобные проекты областного масштаба нужно обязательно анонсировать, чтобы люди могли посещать такие мероприятия, просвещаться и разнообразить культурную жизнь. Это то, к чему мы стремимся, - духовность и просветительство. Ведь за последнее время к нам не раз приезжал Ферганский драмтеатр с великолепными постановками, недавно произвел фурор концерт классической музыки на открытом воздухе "Open air". Спасибо за это руководству области.

«Наманганская правда», 2018, № 27, 7 июля.

СОХТА ГУЛ БЎЙ ТАРАТМАС

Инсон зоти борки, ҳамиша гўзалликка интилади. Кимгадир бир ширин сўз айтиш, ёрдам бериш, автобусда жой бўшатиш, нимадир совға қилиш – булар ҳаммаси яхшилик. Боғ барпо қилмоқ, турмушини, иш жойини-ю, яшаш жойини шинам қилиб утириш – булар ҳам яхшиликдир. Яхшилик эса сўзсиз гўзалликдир.

Умрида бир туп гул ўтқазмаган инсон топилмаса керак. Гул эса гўзалликнинг энг ёрқин тимсоли. Шунинг учун ҳам ёшу қари ўзи сезмаган ички бир ҳис билан табиатга яқинлашаркан, энг нозик туйғуларини табиий равишда гулга бўлган муносабатида ифодалайди.

Гул инсонга туғилгандан умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади, десак лоф бўлмас. Фарзанд дунёга келди – гул совға қилинади, мактабга борганда – гул, уни тугатганда – гул, муҳаббат – гул, қабр устига – гул...

Хонада ўстириладиган ёхуд ҳовлисидаги гулчечакларга қараб одамнинг хулқ-атвори, ички дунёси ҳақида хулоса чиқарса бўлади. Бу тўғрида кўп гапириш мумкин. Аммо, афсус, бугун гул хосиятлари ёки бу билан боғлиқ нозик инсоний ҳис-туйғулар ҳақида эмас, аксинча, муаттар ҳид таратувчи анвойи атиргуллар, оловдай ёниб турувчи лолалару мойчечакларни турмушимиздан сиқиб чиқаришга уринаётган сунъий гуллар ҳақида фикрлашмоқчимиз.

Айтиш лозимки, ушбу жараён, яъни сунъий гулларнинг тарқалиши кўз ўнгимизда сезиларли даражада тез содир бўлмоқда. Бугунги кунда сунъий гул шодаларини, кўринишга кўркам, аслида совуқлик таратиб турган пальмаларни деярли ҳамма жойда: давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг идораларида, раҳбарларнинг хоналарида, маданият ва тиббиёт, халқ таълими муассаларида, хонадонларда кўриш мумкин. Бундай бозоргир маҳсулот билан савдо қилувчи маҳсус дўконлар ҳам кўпайиб кетди.

Дарҳақиқат, сунъий гуллар кўринишидан чиройли. Энг муҳими – унинг сўлимаслиги: йил-ўн икки ой “яшнаб”

тураверади. Уларга парваришнинг ҳам кераги йўқ. Вақтинг кетмайди. Кучинг сарф бўлмайди. (Аслида-ку уларга ҳам қараб туриш керак. Баъзан жонсиз барглари қоплаган чангни кўриб, беихтиёр афтинг буришиб кетади). Кимёвий гуллар соҳибларида гулни эҳтиёт қилиб совуқдан, сувсизликдан асраш, қандай қилиб кўпайтириш ташвишлари бўлмайди. Бир марта сотиб олдингизми – бир неча йилга хотиржамсиз.

Ўқув муассаларидаги маънавият ва маърифат хоналарида ҳам айна пайтда ўша кимёвий арзандапар иззатда. Мана шу нарса одамни ўйлантиради. Наҳотки маърифат ташкилотчилари ва педагоглар маънавият билан сунъийлик бир-бирига қарама-қарши тушунчалар эканлигини билмасалар?! Нима учун энди бебаҳо маънавий бойлик – китоблар, тасвирий санъат асарлари, доноларнинг ҳикматлари битилган чиройли паннолар ёнида сунъий гулларга ўрин берамиз?

Масалага бошқа томондан ёндашайлик. Биз эмасми ҳар қадамда ёшларга моддий ва маънавий бойликларга, боболарнинг бой тажрибаси, анъаналарига содиқ булишни уқдирувчи?! Теварак-атрофда гўзаллик яратишга ундовчи?! Буларнинг ҳаммаси ички дунёмиз гўзаллигини шакллантиришга хизмат қилмайдими?! Экология тарбияси хусусидаги том-томлаб ёзилаётган китоблару соатлаб қилинаётган марузалар баҳоси қанча?!

Гулчилик – ота-бобаларимиздан мерос энг гўзал касблардан бири ҳисобланади. Тўғри, ҳар йили анъанавий гул байрамларини кўрамиз, аммо унинг павильонларида тирик гуллар камлигини яшириш мақсадида “чиройли” сунъий, абадий яшил япроқлари ялтираб турган кимё маҳсулотларини кўриб афсусланади киши.

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик: ҳақиқатан ҳам чиройлими бу сунъий гуллар? Ва ундан қандай баҳра олиш мумкин?

Шахсан менинг фикримча, сунъий гуллар “чиройи” қор маликасининг совуқ чехрасига ўхшайди: ундан доим совуқ нафас уфуриб туради, баданларинг жунжикади, қалбинг музлайди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳарқандай кимёвий жисм одам организмига салбий таъсир кўрсатади. Хона ичида яшаётган ўсимликлар, тирик гуллар эса инсонга хузур бахш этади, эстетик завқ беради (ҳавони тозалашини-ку қўяверайлик). Ҳаваскорлар ўз гулларини мисоли боладек авайлашади, йиллаб унинг авж олишини, ниҳоят гуллашини кутишади. Бордию сўлигудек бўлса,

фарзандига қайғургандек, қайғуришади. Бу ҳам инсон қалбини юмшатиш омилларидан эмасми? Йилда бир, хатто бир неча йилда бир марта гул очилганда инсон кўнглининг нечоғли яшнашини тасаввур қилинг-а! Бу беқиёс туйғулардир! Қолаверса, бу шунчаки гул очилишини кўриш эмас, балки узоқ кутилган меҳнат маҳсулини тотишдир. Бундаин ҳис-туйғулар қадр-қимматини кимёвий гул берадиган “фойда” билан тенглаштириб бўларканми!

Барча таълим муассаларининг ўқув хоналарида баҳоли қудрат тирик гуллар кўпайтирилса, у катта тарбия воситасига айланиши шубҳасиз. Бу билан биз ёшларда гўзаллик туйғуларини шакллантиришга интилган бўламиз. Агар имкон бўлса, нафақат синфхоналарда, аудиторияларда, балки кўшимча жой ажратиб, унда хонаки гуллар парвариш қилинса, шаҳримизнинг анънаси бўлмиш гул байрамининг мазмуни ҳам бирмунча яхшиланган бўларди.

Эътироф этиш мумкинки, сунъий гуллар керак жойлар, ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, улар театрда сахна безаги сифатида ишлатишга қулай. Катта маросимлар ўтказиладиган жойларда ҳам қўл келади. Ахир ҳар сафар бозордан кучоқ-кучоқ тирик гул олиб келиб бўлмайди-да. Аммо бошқа вақт сунъий гуллар ўринсиз, кераксиз. Кераксиз нарсани эса гўзаллик деб бўладими?

Фикрларимга эътироз билдиришлари мумкин: Сунъий гуллар ҳам чиройли, энг муҳими, улар доимо очилиб туради; тирик гул эса ҳар доим ҳам очилиб туравермайди, деб.

Нима деймиз? Муттасил “тиржайиб” турадиган сунъий гулларга одам ўрганиб қолади, кейин-кейин унинг гўзаллигини “кўрмай” ҳам қолади, яъни сезмайди. Тирик гул очилишини эса ойлаб, баъзан эса йиллаб кутади. Ниҳоят, бир кун эрталаб қараса, яхши кўрган гул чирой очиб, гуллаб турибди! Бу инсон учун бахтли, лазиз лаҳзалардир. Тўғри, бир неча кундан кейин гуллаш даври ўтади. Лекин яна эзгуликни, гўзалликни кутиш даври бошланади. Бу ҳам ўзига хос ширин дамлар.

Эртак бор: ёвуз ниятли сеҳргар бутун бошли шаҳарни тошга айлантириб қўяди. Одамлар – тош, ариқдаги сувлар, ўт ўланлар, дарахтлар, ҳайвонлар – бари тош, ҳаёт тўхтаган. Фақатгина яхши ниятли сеҳргар ёхуд пок қалбли паҳлавон пайдо бўлиб, тош қотганларни ҳаётга қайтаради. Менимча, бугунги бизнинг сунъий

гулларга берилишимиз, тошбағирлар салтанати томон ўз хоҳишимиз билан босилаётган қадамга ўхшайди. Худо асрасин!

Ҳаммасидан ачинарлиси шундаки, кейинги пайтларда сунъий гуллардан даста ясаб, совға қилишмоқда,.. лол қоласан киши!

Келинлар, бир-биримизга фақат нафис, хушбўй тирик гуллар тортиқ қилайлик! Бу – ҳақиқий гўзаллик рамзи ва маданият белгисидир!

Яна бир фикр. Бир пайтлар гуллар шахри деб ном чиқарган Наманган асосан атиргуллари билан фахрланарди. Кейинги йилларда эса атиргуллар кескин камайиб кетди. Айтишимиз керакки, атиргулларнинг ўрни бошқача! Уларнинг навларини кўпайтириб, яхшилаб борилса, ажойиб иш бўларди. Бу мақсадга эришиш учун “Намаганни атиргуллар шахрига айлантирайлик!” шиорини яна ўртага ташлаш айти муддао.

“Наманган ҳақиқати”, 2004, 22 сентябрь.

Н. ВЛАДИМИРОВА,
филология фанлари доктори

МОҲИР ТАРЖИМОН

Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида миллий новелла – романнавислик классиги. Шу билан бирга бетакрор ижодий ўзига хослигига кўра бадиий таржиманинг ҳам классигидир.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир – ўзбек совет таржима мактабининг асосчилари, рус ва жаҳон адабиёти классик асарларини ўзбекчалаштириш санъати кашшофларидир.

Машаққатли 20 ва 30 йиллар Абдулла Қодирий каби таланти санъаткорлар учун қизгин ижод йиллари бўлди. Ёрқин бадиий асарлар – романлар, ҳажвий асарлар ёзар экан, Абдулла Қодирий ўзининг нодир таржимонлик иқтидорини ҳам такомиллаштира борди. Биргина Гоголнинг “Уйланиш” асари таржимасининг ўзи Абдулла Қодирийнинг ижодий қобилияти

миллий адабиёт ва миллий маданият хазинасини бойитаётганлар сафига кўтарди.

Хўш, Абдулла Қодирийнинг таржимон сифатидаги ижодий услубига хос хусусиятлар нималардан иборат? Бу, биринчи галда, таржима учун ғоят қимматли сўз заргарлигидир. Бу ҳажвий ва лирик хусусиятларни моҳирона қайта тиклаш, бу – автор ижодига хос тил бойлиги, сўзнинг маъно товланишларининг кенг имкониятлари. Абдулла Қодирий муаллиф маҳоратини нозик ҳис этади ва аслидагидек мукаммал юзага чиқаради.

Ҳали айтиб ўтганимиз – Гоголнинг “Уйланиш” комедиясининг биринчи таржимони Абдулла Қодирий эди. Айтиш мумкинки, бу ўзбек драматургияси, ўзбек театри тарихида янги ажойиб саҳифалар очди. “Уйланиш” таржимасида текстга мувофиқ аниқликларга тез-тез дуч келамиз. Аммо адиб таржима моҳиятини фақат аниқликда эмас, балки асарнинг услуби, оҳанги ва мусиқасини, яъни ёзувчи маҳоратини рўёбга чиқаришда деб билар эди. Яни аниқлик Абдулла Қодирий назарида юксак бадиият тажассумидир.

Абдулла Қодирий таржимон сифатида яна шунинг учун ҳам қадрлики, у эндигина ривожланиб келаётган таржима санътида мутлақо янги йўналиш яратибгина қолмай, барча йирик сўз усталари қатори ўз юксак таржима асарлари билан бу борадаги изланишлар ва камолот сари янги йўл ҳам очди. Яъни у ўзидан кейинги таржимонга таржима қилинаётган асар, образларга янгича маъно бахш этиш, характерлар моҳиятини айрича очиб бериш имкониятини қолдирди. “Уйланиш”да ажойиб бир персонаж – Агафья Тихоновна куёвларидан бири чиновник Иван Павлович Янчица бор. Маълум бўладики, унга келинчакнинг хусни-ю маълумоти у қадар аҳамиятли эмас. Унинг учун энг муҳими – бўлажак қайлиғининг мол-мулкини хатлаб олиш. Кумуш қошиқлар чиндан ҳам борми, иморат пойдевори ростдан ҳам ғиштдан кўтарилганми – у мана шунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак.

Иван Павлович. Бу, ҳар ҳол, яна бир карра рўйхатни кўриб, текшириб чиқиш керак. (ўқийди) Ҳовли, ости ғиштин (кўзини кўтариб, атрофни қараб чиқади) бор, тўғри! (рўйхатни ўқийди), икки уй, бири ости ғиштин, иккинчиси ёғоч. Ёғоч уйи бирмунча бемаънироқ экан... икки дюжина кумуш қошиқ. Албатта рўзғор учун қошиқ керакли нарса...

Мана шу ихчамгина хат бошида куёвнинг Гоголь қаламига хос тиниқ қиёфаси Қодирий томонидан ҳам ёрқин бўёқларда ифодаланганини кўрамиз. Бу ерда сўз танлаш маҳорати ҳам эътиборга молик. Худди асардагидек аниқ ва мавҳум сўзлар, архаик нутқ қоришиқ. Пьесада Янчица фамилияси кулгили бир тарзда сўз ўйини қилинади.

“Нет, это фамилия моя Янчица. Хотел переменить на Яичницын, но свои отговорили, сказали, будто похоже на собачий сын”. Абдулла Қодирий Яичница фамилиясини биринчи бўлиб ўзбекчалаштириб беради: “Қуймоқ”. Хуллас, чиновник ўзини шундай таништиради:

“Менинг лақабим Қуймоқ”. “Бунга қолганда чорасизман, мен генералдан Қуймоқи деб ўзгартиришга рухсат сўрамоқчи бўлган эдим, бироқ ўртоқларимга бу маслаҳат ёқмади, чунки лақабинг Бўйноқи деганга ўхшаб қолади дедилар”.

Фамилиянинг аниқ таржима қилиниши нафақат ҳажвий оҳангни, балки таржимада бериш ғоят мураккаб бўлган сўз ўйинини ҳам сақлаб қолган. Қодирийдан кейинги таржимон ҳам фамилияни бошқачароқ, ўзига ҳос таржима қилган. Шундай қилиб, йирик сўз устаси ўзидан кейин таржимонларга йўналиш беради.

Абдулла Қодирий таржимасида ҳар бир тип, ҳар бир иштирокчи Гоголдагидек бетакрор, бир-бирига ўхшамайди. Бу шундай далолатки, адиб гоголча ҳажвиёт табиатини чуқур тушуна олган. Бекарор ва зик Анучкин қиёфасини Абдулла Қодирий ҳам аслидагидек майин, деярли пинҳон чизгиларда тасвирлайди.

Анучкин. “Ҳали мен сиздан Сицилия тўғрисида бир сўз эшитдим. Айб бўлса ҳам сўрайман, қалай, бу Сицилия деганингиз қандай ер, ўзи яхши жойми?... Яна бир оғиз саволга рухсат берсангиз, Сицилияда қайси тилда сўзлашадилар?” ва ҳоказо. Бу ўзига ҳос характерга эга яна бир қиёфа. Таржимон маҳорати ҳам ана шунда.

А. П. Чеховнинг бор-йўғи уч саҳифага жо бўлган “Хамелеон” ҳикояси ҳам таржимон маҳоратига яна бир далил. Абдулла Қодирий вазиятга кўра эътиқодидан кечувчи, лафзидан тонувчи хушомадгўй образини таржимада аслидагидек зиёда қилиб бера олган: “...фақат мен бир нарсагагина тушунолмай тураман. Бу ит сени қандай қилиб қопа олди экан?... Қандай

қилиб бу итнинг бўйи сенинг бармоқларинга етди экан? Ит бўлса нозик. Сен бўлсанг хўкиздек, бўйнингга қара”. Энг муҳими, таржимон сўз маъноси-ю тағзамини, оҳангига эътибор беради. “Бир ғалвир қулупнай” бу – “решето с крижовником”. “Крижовник” ўзбеклар учун нотаниш сўз, номаълум мева. Шу боис Қодирий ибора ва унинг маъносини бузмаслик мақсадида кўпчиликка маълум “қулупнай” сўзини ишлатади. Гап меванинг қанақалигида эмас. Муҳими, у “мусодара қилинган”, яъни савдогардан тортиб олинган.

Юқорида келтирилган мисолларнинг мураккаб вазифанинг қатъий ечимлари дея олмайман, лекин ишонч билан айтиш мумкинки, бу айни пайтда ҳар бир муайян масаланинг дадил ҳал этилган якунидир.

Таржимон Абдулла Қодирий муаллиф асарининг ўзига хос жиҳатларини чуқур ҳис эта олиши ойдек равшан. Бу, албатта, бошқа бир сўз устаси иқтидорини қайта жонлантира олган санъаткор талантисамарасидир.

Совет Ўзбекистони”, 4.01.90.

Қ. НОСИРОВ

БОЛАНИНГ ТИЛИ БИЙРОН

Эътироф этиш зарур, болалар учун ёзиш оддий иш бўлмаганидек, бу адабиётнинг таржимаси ҳам енгил эмас. Агар, болалар руҳиятини яхши билиш, болаларча фикрлай олиш ва фикрни кичкинтойларча ифодалай олиш оригинал асар яратаётган муаллифдан ҳам, унинг таржимонидан ҳам бир хилда талаб қилинади, десак, тўғри бўлмас. Зеро, бу соҳа таржимасида бошқа миллат болаларидаги нутқ хусусиятларини яхши сезиш, кези келганда ҳатто талаффуздаги ўзига хосликни ҳисобга олиб, уларни она тилимизда ёқимли қилиб ифодалай олиш муҳим. Қуйида биз ижоднинг мана шундай масъулияти ҳақида атоқли шоир ва таржимон Т. Адашбоев мисолида баҳоли қудрат қисқача фикр юритмоқчимиз.

Т. Адашбоев жаҳонга машҳур шоирлардан ўгирган ўнлаб асарларни ўрганиш, аслиятни ўзбекча вариантлар билан қайта-қайта синчиклаб қиёслаш жараёнида бир нарса эътиборимизни

тортди: бу ижодкор таржимага шеър танлашда кичкинтой ўқувчилардаги энг асосий рухий хусусиятни, яъни уларнинг борлиққа нисбатан бўлган бекиёс қизиқувчанликларини ва идрок этишдаги чексиз қобилиятларини, табиатни англашга бўлган инстинктив интилишларини яхши ҳис этиб туради; бинобарин, ана шу нарса акс этган шеърларни кўпроқ таржима қилади. Унинг таржима асарлари, бошқа кўплаб бадий ва табиий омиллар каби, болаларнинг ҳаёт сирларини “симириб” боришларида, мурғак қалбларни атроф-муҳит билан ошно қилишда сезиларли аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир. Гўдак бола табиатни идрок этиш бобида катталарга нисбатан ҳам қудратли кучга эканлигини яхши ҳис этган ҳолда, таржимон кичкинтойларга хос синчковлик, қизиқувчанликни аслиятга муносиб равишда ифодалаб беришга муваффақ бўлганлигини гувоҳи бўламиз.

Турсунбой Адашбоев таржималарида эътиборни тортадиган яна бир нарса – бу таниқли адибимиз қўл урган ўзга миллат асарлари бизнинг болалар тилида жўн, ниҳоятда табиий жаранглаётганидир. Айни пайтда, персонажлар тилидаги миллий ва бошқа ўзига хослик назардан четда қолмаяпганига иқроп бўламиз. Бунга мисол қилиб “Буква“Р” шеъри таржимасини кўрсатиш мумкин.

“Буква “Р”да муаллиф, машҳур рус шоираси Агния Барто, ёш болаларга хос тили яримталиқдан моҳирлик билан тасвирий восита сифатида фойдаланиб, тўрт ёшлик боланинг зехни ва маълум даражада қувлиги тўғрисида қизиқарли образ яратган. Демак, Т. Адашбоев олдида яримта тилни таржима қилишдек муҳим вазифа туради. Ва у бунинг йўлини топибгина қолмай, товуш ўйини воситаси билан аслиятдагидан ҳам гўзалроқ бадий эффектга эришади. Чунончи, оригиналда шеър қаҳрамони, Серёжанинг опаси Марина укасининг нутқидаги нуқсон тезроқ йўқолсин учун “Р” ҳарфли сўзларни талаффуз қилишни ўргата бошлайди: “Твердит Марина: “Рак”, “ручей... // Он повторяет: “лак”, “лучей”. Бу ерда русийзабон болаларга хос “р” ўрнига “л” чиқиши тасвирланган. Маълумки, бизнинг жужуқларимиз, аксарият, бундай ҳолларда “й” дейишлари кузатилади. Таржимон, табиyki, ўзимизнинг тилимизга хос унсурдан фойдаланади, шунга мос сўз қидиради. Натижада, реал, айни пайтда, енгил юмор сингиган образ вужудга келади:

Укасига ўргатиб
Таъкидлайди: Рак, ариқ.
Сергей эса хўрсиниб,
Такрорлар: йак, айик.

Русча “Будь здоровра” ибораси ўзбекчада ўз эквиваленти – “Минга кирринг”ни топганлиги ҳам Турсунбой Адашбоев ҳар бир сўз ва иборага масъулият билан қарашидан далолат бериб турибди. Агарда таржимон осон йўлдан бориб, тилимиздан аллақачон ўрин олган “саломат бўлинг” калькасини ишлатганда, натижа кўнгилдагидек чиқмаган бўлиши мумкин эди.

Ўзга тилда кичкинтой китобхонлар учун яратилган қувноқ, ёқимли, эса қоларли образни қайта тиклаш санъати Турсунбой Адашбоев машҳур Корней Чуковскийдан ўгирган асарларда ҳам кўп намоён бўлган.

Маълумки, рус адабиётида болалар шеърятининг асосчиларидан бири, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган К. Чуковскийнинг асарлари собиқ Иттифоқ ҳудудида ниҳоятда машҳур бўлган. Унинг ўйинқора болаларча шўх-қувноқ, енгил услубда битилган асарларида сўзлар мисоли сакраб, қувламачоқ ўйнаб юришади, қофиялар чакнайди. Унинг қаҳрамонлари – бир-биридан ширин ёввойи ҳайвончалар, газзандалар, уй ашёлари ва ҳоказоларнинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш учун Турсунбой Адашбоев таржимасидаги иборани қўлласак бўлади: “Ҳамма нарса ўмбалоқ, тинмай ошар дўмбалоқ” (“Ювин, дўмбоғим ” шеърдан).

Албатта, таржима маҳорати тўғрисида фикр юритилар экан, менимча, ҳар бир сўзни кавлаб-тинтиб, унинг тўғри-нотўғрилигини тасдиқлаб бориш шарт эмас, муҳими – асарнинг умумий ғоявий мазмуни, руҳи тикланганлиги. Қолаверса, таржима савиясининг даражаси, биринчи навбатта, аслият матнидаги асосий маъно-ғоя ташувчи таянч лексик бирликларини ўгиришданок намоён бўлади.

Корней Чуковскийнинг “Айболит” шеърисида, менимча, шундай сўзлардан бири сифатида мазкур асарнинг номини кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳамма маънода “бош” сўз сюжет ривожига кўп мартаба такрорланган ва у ҳикоя давомида қарвон қўнғироқчасидай ёқимли жаранглаб боради.

“Айболит” – бош қаҳрамонининг исми – Чуковскийнинг хоҳиши билан икки сўз - “ай” ҳамда “болит”нинг бирлашуви

натижаси ўлароқ ҳосил бўлганлигини русийзабон китобхон яхши билади. Ундов туркумига молик “ай” – бу ёш боланинг оғриқдан кўркувини англатувчи додлаш, “болит” эса “оғриқ”нинг ўзи. Демак, “Айболит”нинг сўзма-сўз таржимаси – “Войоғрияпти”, яъни, бу оғриқдан додлаш. Аммо Чуковскийнинг сеҳрли қалами билан бу кўрқинчли сўзлар иштирокида, асар контекстида уларга бошқа яна икки сўз қўшиш йўли билан, фразеологик бирикма ҳосил қилинади: “Добрый доктор Айболит”. Эпитет шаклида қурилган бу ибора энди ёқимли маъно касб этиб турибди: *раҳмдил шифокор Айболит*. Шундай қилиб, асар бош қаҳрамонининг тавсифи унинг исмида эмас, исм иштирокида ясалган эпитетда мужассам этилган.

“Айболит” шеъри Т. Адашбоев таржимасида “Дўхтир Войжоним” деб аталган. Демак, ўзбекчада асар қаҳрамонининг исми Войжоним. Тўғри таржимами? Бунда ҳам икки сўз бирлашувини, яъни қўшма сўзни шеърнинг сарлавҳасидаёқ кўриб турибмиз: “вой”, “жоним”. Биринчиси русча “ай”га эквивалент, лекин иккинчиси, гарчанд маъно “оғриқ” бўлса-да сўзма-сўз мос келмайди; агар “жоним”ни русчага аксинча таржима қилсак “душа моя” “душенька” келиб чиқади. Бу мурожаат сўзлари, катталарга (хатто қарияларга дейиш мумкин) хос иборадир. Муҳими эса бу тан оғриғини эмас, жон оғриғи, изтиробини англатади. Қарияларнинг “Вой жоним-ей!” дегани – турмуш машаққатларидан азият чекаётган қалбнинг “ох”и.

Т. Адашбоев контекстида эса “войжоним”га бундан-да бошқачароқ маъно берилган. Катталар набиралардан бирортаси оғриб қолгудек бўлса, бемор бола атрофида парвона бўлишиб, одатда ўзларининг меҳрибонликларини, қайғурганликларини, зурриёдни яхши кўришларини “вой жоним-ей” билан ифодалашади: яна қўшиб қўйишлари ҳам мумкин: “айланийин-ей, сеники оғригунча, меники оғриси бўлмайдами!” – деб. Буни энди, “войжони-мей”нинг ўзига хос изоҳи, дейиш мумкин. Хуллас, “Вой жоним-ей, айланайин-ей” – бу “Вой шириним-ей! Дардингни мен олайин-ей!”ни англатади; ширин боланинг тани оғриганидан боболарни-ю момоларнинг жонлари ачишганини англатади. Т. Адашбоевнинг таржимасидаги “Дўхтир Войжоним”да мана шу маъно мужассам.

Тўғри, Войжонимнинг меҳрибонлиги – бу, аслида, Айболит меҳрибонлигининг мисоли кўзгудаги акси. Аммо бу маъно

Чуковский қаҳрамонининг исмидан эмас, юқорида таъкидлаганиздек, эпитетдан келиб чиқади, асар мазмунидан англанади. Т. Адашбоев эса ғояни шеърнинг сарлавҳасидаёқ бир сўз билан ифодалаган.

Кўриб турганимиздек, Адашбоевнинг адабий қаҳрамон учун исм танлаш (аниқроғи: исм яшаш)дек мўҳим ишга эътибори Чуковскийникидан кам эмас. Айни пайтда, таржимон сўз яшаш учун оригиналда қўлланган усулни маълум даражада ривожлантирган дейиш мумкин. Дарвоқе, Корней Чуковский том маънода Турсунбой Адашбоевнинг устозларидан бири: шоиримиз бир пайтлар Москвадаги Адабиёт институтида таҳсил олаяпганда, мана шў машҳур ижодкор семинарининг иштирокчиси бўлган, ва устознинг бой тажрибасидан баҳраманд бўлган.

Турсунбой Адашбоев таржималарида аслиятнинг шакл хусусиятларига, жумладан, ритмига, муҳим шаклий унсурлардан бўлган банд қурилишига ҳам етарли эътибор беришига амин бўламиз. Масалан, “Лялечка” (А.Барто) шеърини олишимиз мумкин. Уч тўртлик ва якунловчи иккиликдан иборат мазкур асар композицияси билан италянча вариант сонетга ўхшаб кетган. Маълумки, сонетда қофия тизими ва жарангдорлигига катта аҳамият берилади. (“сонет” сўзининг маъноси ҳам - “жаранглаш”). Адашбоев таржимасида қофиялар силсиласи-ю жарангдорлиги аслиятга айнан, пишиқ чиққан.

Тўғри, Т. Адашбоев таржималарининг барчаси ҳар томонлама рисоладагидек силлиқ чиққан, бекам-кўст, десак, бўлмас. Масалан, “*дарпарда*” (“Р” ҳарфи), “*почапўстин*” (“Дўхтир Войжоним”) каби сўзлар болаларимиз тилига хос эмаслигини кўрсатиш зарур. “Ювин, дўмбоғим”даги форс тилидан келган “*мўркончи*”ни эса катталар ҳам луғат ёрдамисиз тушунмасалар керак.

Аммо бу битта-иккита сўзлар хассос шоир қаламига молик таржима асарларнинг умумий қийматини туширмайди. Айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган таржималар Турсунбой Адашбоевнинг бошқа асарлари каби, ўзбек болалар адабиёти ҳазинасини бойитди, кичкинтойларнинг китоб жавонидан муносиб ўрин олган. Бу шеърлар билан танишар эканмиз, жаҳонга машҳур адиб ва педагог Л.Толстой, беш ёшлик бола билан менинг ўртамда бир қадам, янги туғилган чақалоқ билан

беш ёшлик орасида эса беқиёс улкан масофа ётади, деб бежиз айтмаганлигини эслаймиз.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2016, №26.

К. НОСИРОВ

МУХАММАД ЮСУФ В НАМАНГАНСКИХ ПЕРЕВОДАХ

В наманганской литературной среде проблемам художественного перевода уделяется достаточно внимания. В последние годы интерес наших переводчиков серьёзно стал привлекать творчество Мухаммада Юсуфа, одного из самых популярных поэтов современности. Первой перевести его взялась молодая поэтесса А. Иплина. Несколько лет назад она переложила на русский и английский языки небольшое стихотворение поэта под названием “Молодость”.

А. Иплина обратилась к переводу М. Юсуфа исходя, можно сказать, из научных интересов: она вот уже несколько лет занимается научным исследованием о переводах произведений узбекских поэтов на английский язык; вот по этой причине в числе достойных для этих целей поэтов в её списке оказался и Мухаммад Юсуф. В настоящее время поэтесса продолжает работу над переводами других стихотворений этого прославленного поэта.

Подлинное же начало переводам из Мухаммада Юсуфа было положено у нас в 2013 году. Ощутимым толчком для этого стал конкурс, проведённый мною руководимым молодёжным литературным клубом “Заветная лира” при НамГУ в честь дня рождения поэта. В номинации “Декламация из произведений М. Юсуфа” несколько участников конкурса представили стихотворения поэта в русском, английском, немецком переводах, которые большей частью были осуществлены для своих учеников их учителями.

Среди них наибольшее внимание привлекли переводы на русский язык, выполненные учительницей школы № 1 г. Намангана Розой Казакбаевой: “Кристина”, “Признание”. Эти произведения, наряду с “Молодостью” А. Иплиной, также

принявшей участие в конкурсе, были опубликованы в “Наманганской правде” (2013, 27 апреля).

Переводы Р. Казакбаевой звучат довольно близко к оригиналу как по содержанию, так и по форме. Правда, в “Признании” есть одно заметное отклонение, мимо которого нельзя пройти.

Дело в том, что данный перевод стихотворения “Икрор” (“Признание”), посвящённого вечной теме в мировой поэзии – теме “поэт и гражданин” – разделён на две части. Собственно содержание мухаммадюсуфовского стихотворения исчерпывается уже в первой части возгласом “Я всё сожгу!” (В подлиннике: “Шеър ёзмайман... Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман!). Поэт не может мириться с тем, как его собратья по перу растрачивают свой талант по мелочам, преследуют в жизни, в поэзии незавидные цели... Чтобы не уподобляться таким пустословам, поэт-герой Мухаммада Юсуфа в сердцах даёт обет: Не писать, чем так!

Вторая, меньшая по объёму, часть перевода называется “Послестишие”. В нём Р. Казакбаева как бы вступает в спор с автором оригинала. По воле переводчицы лирический герой выражает искреннее сожаление по поводу сожжения своих стихотворений, которые ему были, что дитя, просит прощения у Создателя за то, что изменил своему таланту, просит у него нравственных сил, для того чтобы с честью выполнять впредь свой долг писателя. Таким образом, мы становимся свидетелями пусть небольшой, но небессмысленной открытой полемики между поэтом и его переводчиком, что бывает редко в практике художественного перевода. Воистину прав был гений русского перевода В. Жуковский, когда говорил: “Переводчик в прозе – раб, в поэзии – соперник.”

Р. Казакбаева, кажется, всерьёз увлеклась переводом из Мухаммада Юсуфа. За последние месяцы она перевела “Райхон”, “Турғунлик” («Застой»), «Лолақизғалдоқ» («Тюльпанчик мой любимый, алый мак степной»), и вот только что закончила «Узбекистан». Из них недавно опубликовано «Лолақизғалдоқ» («Наманганская правда», 2014, 11 января) – одно из самых значительных произведений в лирическом наследии поэта, особенно популярное не только среди молодёжи, но и среди читателей старшего поколения. С полной уверенностью можно

сказать, что переводчик сумел достаточно адекватно, достойно оригинала передать грустные размышления лирического героя в предчувствии близости... конца. Переводчик, вслед за ним и мы проникаемся этими переживаниями.

Как простые читатели, так и специалисты дружно отмечают удивительную простоту языка произведений Мухаммада Юсуфа, его близость к народному. Лексика и стилистика произведений плоть от плоти народные! В то же время, читатель часто становится свидетелем того, как поэт, искусный мастер, выступает соавтором с самим “народом”, искусно развивая, совершенствуя те или иные традиции, умело приспособивая найденные в сокровищнице народной поэзии образы-алмазы к той или иной конкретной поэтической ситуации в своих произведениях. В результате являются необыкновенные по совершенству своему образы-бриллианты. Например, возьмём следующие строки: “Энди осмон йирок, // Энди ер юмшоқ”. Этот поэтический образ М. Юсуф построил на основе известной народной поговорки «Осмон узок – ер каттик», выражающей состояние человека, оказавшегося в безвыходных нравственно-психологических условиях. В силу этого произносящий сию поговорку тем самым даёт понять, что он вынужденно принимает эти условия; выбора нет, деваться некуда. Поэт заменил в народной поговорке лишь одно слово, «каттик» на «юмшоқ» (твёрдая - мягкая). И теперь эта, уже поэтическая в буквальном смысле этого слова, поговорка во второй части своей означает приближающуюся смерть. Для нравственно подавленного лирического героя смерть предпочтительней той моральной духоты, которая царит вокруг. Воистину прав был Озод Шарафутдинов, когда говорил: “Попробуйте и вы писать так просто, как Мухаммад Юсуф! Не получится!” Видимо, эти слова нашего прославленного писателя и учёного были адресованы тем из пишущей братии, кто, возможно, недоумённо пожимал плечами по поводу популярности Мухаммада Юсуфа, который де, по их мнению, не представляет собой ничего особенного, его язык ведь такой простой и произведения лишены признаков высокого искусства поэтического (по сравнению с иными замысловатыми произведениями).

А как передала смысл этой замечательной фразы М.Юсуфа Р. Казакбаева? Да очень просто: «Теперь небо далеко, лишь в

земле покой». Достоин оригинала, ничего не скажешь! Нет, конечно, можно и сказать: мне кажется, что переводчица, уйдя от дословности, вторую часть мухаммадьюсуфовской фразы представила так, что мысль поэта о спасительной смерти стала ещё рельефнее.

Недавно я имел возможность в черновом варианте ознакомиться с переводом стихотворения «Узбекистан». И надо сказать, что одно из лучших произведений М. Юсуфа, этот шедевр современной общественно-политической лирики, в переводе Р. Казакбаевой впечатляет так же, как и оригинал.

Незабываемая поэзия Народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа становится хорошим подспорьем для наших переводчиков. А это одновременно означает расширение читательской аудитории поэта. Доброе знамение!

“Наманганская правда”, 12.04.2014, №15.

ПАМЯТЬ ДЛИНОЮ В 200 ЛЕТ?

Это происшествие столь таинственно и необъяснимо, что в любой догадке правда и неправда, убедительность и бездоказательность, исключают друг друга версии могут в равной степени претендовать на истину в последней инстанции. О нем сказал корреспондент газеты «Труд».

А стряслось оно с сантехником из немецкого города Боттропа 27-летним Томасом Б. в вечер перед началом позапрошлого Нового года. «Мы затеяли спор, – рассказывает его жена Кирстен, миловидная блондинка, работающая в местном супермаркете. – Он ни в какую не хотел идти в гости к моей маме. В конце концов, Томас даже разъярился и убежал в спальню. Я видела, как он заткнул тампонами уши – комната выходит на шумную улицу – и тут же захрапел».

Пробуждение упряма едва не лишило чувств молодую супругу, хлопотавшую на кухне над завтраком. Томас поднялся с постели и что-то проговорил выразительным шепотом. «Я сначала подумала, – вспоминает Кирстен, – что в доме неожиданно появился чужой человек. Но в кухню вошел муж и

обратился ко мне, как обращался к зрителям Михаил Горбачев по телевидению. Мне показалось – шутка, новогодний розыгрыш. Томас, однако, говорил, говорил, на мои просьбы выразиться по-немецки не реагировал, как будто бы родной язык вылетел у него из головы».

Пришлось перепуганной супруге вызвать неотложку. Единственно, что установил ошарашенный врач: сантехник, который никогда и никуда не выезжал из своего города, не учил иностранных языков и даже не окончил обычной школы, вел монолог по-русски. До сих пор единственный лучик света, хоть как-то объясняющий загадку, исходит из родословной Томаса Б. Выяснилось, что его очень далекие предки, что-то около двухсот лет назад, переселились из российской глубинки на берега Рейна.

Вдруг немец заговорил на языке давно почивших предков? Осталась в его генах языковая информация, хотя все его предки, кроме первоприходцев в Германию, были коренными немцами? В пользу генной версии говорит хотя бы тот факт, что новообращенный в русский язык совершенно не употреблял матерных выражений наши праотцы этим, как известно, не грешили.

История – историей, наука – наукой, предположения – предположениями, а житейские будни остаются буднями. Наш земляк в десятом поколении обращался к жене только по-русски, будучи не в состоянии вспомнить ни единого немецкого слова, и недоумевал, раздражался, видя, что она не улавливает ничего из им произнесенного. Единственную радость любящей супруге продолжало доставлять общение с мужем лишь в сфере, где можно обойтись без проблем языкознания...

В остальном же поневоле пришлось прибегнуть к помощи переводчиков что в Германии стоит очень недешево. К счастью, среди соседей объявилась скромная семья немцев, переселившихся из Узбекистана. Русско-узбекско-немецкий паренек взял на себя эти обязанности, совсем нелегкие, поскольку Томас к тому же утверждал, что говорит на чистом немецком языке и никак не возьмет в толк, почему его вдруг перестали понимать жена и его окружающие.

«Он замкнулся в себе, – рассказывает Кирстен, – никуда не хотел выходить из дома, хотя прежде мы регулярно по пятницам

до глубокой ночи веселились в дискотеке. Я пошла на курсы русского языка, люблю Томаса и не хочу его потерять».

А сантехник пошел в клинику. Слово за словом бригада врачей восстанавливала его немецкий язык, вытеснив из сознания бедняги русскую речь. Два языка явно не укладывались в его голове, тем более что один из них оказался «изученным» столь странным способом. Теперь, год спустя, не то чтобы беседовать – он не может вспомнить ни единого русского слова. Врачи, опасаящиеся рецидива, категорически рекомендовали ему не только избегать любой иностранной речи, но и с самого общения с чужеземцами, перестраховываясь, наверное, на тот случай, если в родословной Томаса где-то затерялись, скажем, китайцы или эфиопы. Переживший потрясение неуклонно следует наставлениям врачей и уже по собственной инициативе совершенно не спорит с супругой, даже если она просит его пойти в гости к теще.

Когда врачи все же снимут запреты, попробую взять у него интервью на двух языках. У рассказанной истории может быть любопытное продолжение.

“Наманганская правда”, 15.01.94.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛМОҚДА

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, прокуратураси, бандлик бош бошқармаси, ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Боболов, вилоят прокурори Ў.Саидов, ёш тадбиркор О.Сафаров ва бошқалар мамлакатимизда ёшлар учун барқарор иш ўринлари яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнесга оид ғоя, ташаббус ва лойиҳаларини руёбга чиқаришга кўмаклашиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар

йигит-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш истагини билдирган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун Ёшлар иттифоқи 59 миллиард сўм, ёш фермерларга молиявий кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 18 миллиард сўм маблағ ажратаётгани фикримиз тасдиғидир.

Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 1 минг 949 ташкилот, муассаса ва хусусий корхона 6 мингга яқин бўш иш ўрни билан иштирок этди.

– Ўрта махсус маълумотли мутахассисман, – дейди Денов туманидан Ф.Умаралиева. – Бир неча йил тумандаги 14-умумтаълим мактабида меҳнат қилдим. Тўрт йилдан буён ишсиз эдим. Ушбу ярмаркада иштирок этиб, ўз мутахассислигим бўйича муносиб иш топдим. Тумандаги 3-мактабгача таълим муассасасига тарбиячи вазифасига йўлланма олдим. Болажонларни меҳр билан улғайтиришга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Меҳнат ярмаркасида кўплаб йигит-қизлар корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринларига ишга жойлашди. Ёшларга меҳнат қонунчилиги тушунтирилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

30 ИЮЛЬ, 2018.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ТИЗИМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини амалга ошириш ва республикамизда электрон ахборот-кутубхона тизимини ривожлантириш истикболлари” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда мутасадди ташкилот вакиллари, республикамиздаги ахборот-кутубхона марказлари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Абдуазизов, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси бошқарувчиси Томас Ким ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг онгу тафаккури, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг китобхонлик маданиятини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини техник жиҳатдан таъминлаш ишлари Корея Республикасининг LG CNS компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳа Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Рақамлаштириш ва сканерлаш”, “Мультимедиа” марказлари ташкил этишни кўзда тутди. Айни пайтда зарур техник жиҳозлаш ишлари якунига етмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, турли йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Марказ ишга тушгач, Фанлар академияси билан ҳамкорликда олимлар ва тадқиқотчилар, талаб-ёшлар учун семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш режалаштирилган.

2 июля 2018 г.

Элёр АБДУЛВОХИДОВ

КИТАЙСКИЕ ИНВЕТОРЫ ВЛОЖАТСЯ В РЫБОВОДСТВО

К выращиванию в промышленных масштабах рыб ценных пород - осетров, форели, карпа и других - проявили интерес китайские бизнесмены. Один из проектов в Учкурганском районе их настолько заинтересовал, что они намерены серьезно в него вложиться. В Наманганской области сейчас действуют 218 рыбоводческих хозяйств, 12 из них расположены в Учкурганском районе. Одно из них - ООО "Даминов бизнес групп" - взялось за интенсивное выращивание рыбы. Недавно оно начало строительство новых искусственных водоемов на 20 гектарах

площади. Проект предусматривает выращивание ряда ценных пород рыб в крытых бассейнах по инновационным технологиям.

- Стоимость проекта составляет 40 млрд. сумов, из них 12 млрд. - наш капитал, а "Ипотекабанк" выделил кредит в размере 28 млрд. сумов. Здесь будем выращивать форель и осетров, а также другие ценные виды рыб. В новом хозяйстве для них будет создана среда, идентичная естественной. Для этого задействованы все возможности и ресурсы, - рассказывает предприниматель Азиз Даминов.

По его словам, до 70 % продукции будет экспортироваться, а остальное направят на местный потребительский рынок.

- Со сдачей в строй данного объекта появится возможность экспортировать рыбу на 10 млн. долларов в год, - отмечает А. Даминов.

Этот проект заинтересовал и китайских предпринимателей, которые выражают готовность внести свой капитал. Руководители компании "Бежин Шунтум Рейнбов травл кулче сент" приехали в Наманган и тщательно изучили инфраструктуру, условия и работу по строительству водоёмов.

- Нам очень понравилась идея, есть все условия для реализации этого проекта. Мы планируем сотрудничать не только в выращивании ценных пород рыбы, но и в производстве кормов и других необходимых средств для развития сферы. Для этого думаем над запуском отдельного предприятия. Надеюсь, наше партнерство даст неплохой результат, - подчеркивает директор компании Баовой Шин (Китай).

Строительные работы здесь продолжаются уже второй месяц. Поэтапно завершается возведение бассейнов, свою деятельность по выращиванию рыбы хозяйство начнет уже в конце следующего года.

- Это один из 23 инвестиционных проектов, представленных Президенту страны во время его визита в нашу область 2 - 3 мая текущего года. Реализация этого проекта способствует развитию нового направления сферы - интенсивного рыбоводства. Продолжим переговоры с китайскими партнерами и будем работать над расширением ряда подобных хозяйств, - говорит Уткирбек Турдиев, управляющий Наманганским филиалом "Ипотекабанка".

В районе в течение текущего года планируется реализовать 80 инвестиционных проектов, основанных на инновационных идеях и технологиях. Это будет способствовать росту объёма экспорта и созданию новых рабочих мест.

“Наманганская правда”, № 34, 25 августа 2018.

М.АХМЕДОВ,

ПУШКИНГА ЁХШАШ ДАРАХТ

Машинамиз Чимён тоғ бағрини ёриб ўтган текис асфальт йўл бўйлаб борарди. Кимдир шу атрофда шоир Пушкинга ўхшаш дарахт бор, деб қолди. Бу гапни эшитган ҳамроҳларим қатори мен ҳам ажабландим. «Тоғни қайси тарафида, биз ҳам кўрайлик», деганимни сезмай қолибман.

Табиатнинг ўзи моҳир рассом, дейишади. Йўлимизда учраётган турли хил дарахтларни синчковлик билан кузатаман. қуриб қолган ёввойи жийда дарахти чўрт синиб тушибди. У ёввойи тоғ эчкисини эслатса, шу яқин орадаги наъматак, ёнғоқ, арча дарахтларида ҳам ажойиб тасвирларни кўриш мумкин. Айримларини илдизлари эса ўрмалаб бораётган баҳайбат илон ёки қанотли қушларга ўхшаб кетади.

Бир неча тоғ баландликларидан ўтиб, «Бахт» оромгохига яқинлашганимизда йўловчилардан бири: «Ана шу дарахт», - деганча қувонч билан қўлини ўша томонга ишора қилиб кўрсатди. Тоғ чўққиси этакроғида чиндан ҳам буюк рус шоири А.Пушкиннинг айнан ўзига ўхшаш арча дарахти кўзга ташланди. Синчиклаб кузатганим сари шоир қиёфаси тобора аниқроқ намоён бўларди. Арчанинг игна барглари унинг ўзига ярашиб турган жингалак соч ва соқоллари мағрур қоматини ифодалаб ҳаммага завқ улашарди.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
1993 йил, 26 апрель.**

2. ФОЛЬКЛОР. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА

2.1. МАҚОЛЛАР. ПОСЛОВИЦЫ

ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан.

Балиқ сув билан тирик, одам – эл билан.

Бировнинг юртида бек бўлгунча, ўзингнинг юртингда ит бўл.

Булбулга боғ яхши, какликка – тоғ.

Ватан гадоси – кафан гадоси.

Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.

Ватанга келган – имонга келар.

Ватансиз инсон – куйсиз булбул.

Ёрингни гул орасидан изла, эркингни – эл.

Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг самон бўлмас.

Эл бор бўлса, эр хор бўлмас. Эр бор бўлса, эл хор бўлмас.

Эл бошига тушгани – эр бошига тушгани.

Юртдан чиқсанг чиққин – элдан чиқмагин.

РУССКИЕ НАРОДНЫЕ ПОСЛОВИЦЫ

Всякая сосна в своём бору шумит.

За морем веселье, да чужое, а у нас и горе своё.

На чужой стороне и весна – не красна.

Родимая сторона – мать, чужая – мачеха.

Родина – мать, умей за неё постоять.

Родных нет, а по родимой сторонке сердце ноет.

Своя земля и в горсти мила.

Своя печаль чужой радости дороже.

С родной стороны и ворона мила.

Скучно Афонюшке на чужой сторонкушке.

2.2. ЭРТАКЛАР. СКАЗКИ

ОЛТИН ОЛМА

эртак

Ўтган замонда икки кўшни яшаган экан. Бири бой-у, лекин бефарзанд, иккинчиси эса бола-чақаси кўп-у, бироқ ниҳоятда камбағал экан. Бола-чақаси кўп камбағал кўшнининг уйи кеча-ю кундуз шовқин-сурон, тўполон, вағир-вуғур бўлиб, бой кўшнисиникига ҳеч тинчлик бермас экан. Бир кун бой кўшнисига чиқиб:

— Тинчлик берасизларми, йўқми, ейишга овқатларинг йўқ, ҳамма ёқдан қарз бўлиб ётибсанлар-ку, кечаси-ю кундузи

уйларингда кулги, шовқин-сурон, бу нима деган гап! — деб дўк урибди. Шунда камбағал жавоб қайтарибди:

— Эй, қўшни, бизнинг олтин олмаларимиз бор. Шуларни думалатиб, ўйнаб димоғимизни чоғ қиламиз. Шунинг учун бизнинг уйимиздан кулги аримайди, — дебди.

Бу сўзни эшитган бой қўшни индамай ўз уйига кириб хотинига:

— Хотин, сандикни оч, олтинларни ол, мен уларни заргарга олиб бориб иккита олтин олма ясатиб келай, сўнгра биз ҳам шод-хуррам бўлиб яшаймиз, -дебди. Хотини сандикдан олтинларни олиб эрига берибди. Бой уларни заргарга олиб бориб иккита олтин олма ясатибди. Олмаларни олиб келиб уйда эр-хотин роса думалатишибди. Бироқ ҳар иккисида ҳеч қандай кулгу пайдо бўлмабди.

Улар олтин олмаларни думалата-думалата чарчаб, энди қандай қилсак биз ҳам кулиб, хурсанд бўлар эканмиз, деб ўйлашибди. Ниҳоят бой яна қўшнисидан сўрабди:

— Қўшни, биз ҳам олтин олмаларни эр-хотин жуда кўп думалатиб думалатиб ҳеч қандай хурсандчиликка эга бўлолмадик. Бунинг сири нимада, айтиб беринг-чи? —дебди. Шунда қўшниси:

— Эй, бой ота, бизнинг олтин олмаларимиз, кулгимиз, бахтимиз мана шу болаларимиз. Биз ҳар куни шулар билан қувонамиз, оиламиз, яйраймиз. Натижада қийинчиликларимиз ҳам унутилиб кетади. Булар бизнинг бозоримиз, — деган экан.

ЭГРИ ВА ТЎҒРИ

Қадим замонда бир қишлоқда бир йигит бор экан. Унга Тўғрибой деб ном берган эканлар. Унинг биттагина озғин отидан бўлак нарсаси йўқ экан. Бора-бора қишлоқда иш топилмайдиган бўлиб, унинг аҳволи оғирлашибди. Оти билан мардикор ишлашга иккинчи бир томонга жўнаб кетиб-ди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Йўлда унга битта пиёда йигит ҳамроҳ бўлибди. Иккиси суҳбатлашиб кетаверибди.

— Хўш, йўл бўлсин? — дебди Тўғрибой.

— Мардикорлик қилиш учун узоқ шаҳарга кетаётибман, — деб жавоб берибди пиёда йигит.

— Исминг нима?

— Эгрибой.

— Сеники-чи?

— Тўғрибой. Иккимизнинг номимиз бир-бирига мос экан, кел, энди дўст бўлайлик, бирга ишлаб, бирга юрайлик,— дебди Тўғрибой. Икковлари шундай деб ахдлашибди.

Отлик йигит шеригининг пиёда юрганига раҳм қилиб, унга отини берибди. Эгрибой эгарга ўтириши билан отга бир қамчи бериб, тезда кўздан ғойиб бўлибди. Тўғрибой хайрон бўлиб қолаверибди. “Дўстман, деб душманнинг ишини қилиб кетди,” деб ўйлабди у. Ранги ўчибди, қони қочибди. Охири пиёда йўлга равона бўлибди. Кеч кирибди. Тик йўлдан адашиб, бир сўқмоққа қайрилибди. Сўқмоқ ҳам қалин бир ўрмонга кириб йўқолгач, Тўғрибой каёққа боришини билмай, саросимага тушибди. Кеч куз палласи экан. Дарахтларнинг япроқлари тўкилган, қир яланғоч, баргсиз қолган қалин ўрмон экан. Тўғрибой ҳамон йўл ахтариб юраверибди. Кеч кириб қоронғу тушибди. Осмонда юлдузлар ҳам кўрина бошлабди. Тўғрибой йўлда бир эски тандирга дуч келибди. У ўйлабди: “Қоронғу кечада ўрмонда юриш яхши эмас, кечани шу тандирда ётиб ўтказайин”, деб ухлаш учун тандир ичига кириб ётибди.

Шу вақтларда ўрмонда арслон — подшоҳ, йўлбарс — вазир, бўри—карнайчи, кашқир — сурнайчи, тулки — дostonчи экан. Ҳалиги тандир турган жой шуларнинг базмгоҳи экан. Бироздан кейин бир кашқир келиб, тандир атрофини айланиб, увлабди. Орадан сал ўтмай, ўрмондаги бутун ҳайвон шу ерга йиғилибди. Арслон подшоҳ ўрнига ўтириб, ўрмон аҳлларининг мажлисини давом эттирибди. Тулки дoston бошлабди:

— Ёронлар, шу ўрмон орқасидаги тоғда бир ғор бор, мен ўн йилдан буён ўша ғорда яшайман. Одамларнинг уйида нимаики бўлса, менинг уйимда ҳам бор. Ўн йилдан бери мол йиғаман: гилам, палос, кўрпа, тўшак — ҳаммаси бор менда. Яхши-яхши овқатлар ҳам бор.

Тандир ичида ўтирган Тўғрибой ўзича ўйлабди: “Яхши, тулкибойниқига меҳмонга борсам бўлар экан”.

Навбати билан кашқир сўз бошлабди:

— Сенинг жойинг қизиқ эмас, тулкибой. Мана бу тепа остида менинг бир сичқоним бор, ҳар кун туш вақтида шуни томоша қиламан. Унинг қирқ битта тилласи бор. Шуларни

инидан чиқариб ўйнайди, кейин уларни ўртага уйиб, ўзи томоша қилади, атрофида айланади, кейин яна инига опкириб кетади. Энди айик афсонасини эшитинг:

— Бу ҳам қизиқ эмас, — деб сўзга киришибди айик, — бизнинг шу ўрмонда бир қайрағоч бор, унинг пастроғида икки шохчаси бор. Шу шохчаларнинг япроқлари бутун касалларга даво. Мана шу шаҳардаги подшоҳнинг қизи етти йилдан буён касал. Подшоҳ жар солдиради: “Кимда-ким шу қизимни соғайтирса, уни ўшанга бераман” дейди. Соғайтиролмаган кишини ўлдиради. Кўп табиблар қизни соғайтиролмадан, дорга осилиб кетдилар. Агар ўша қайрағоч япроғини эзиб, шу қизга ичирилса, у дарров соғаяр ва шу ишни қилган киши подшоҳ қизини олар эди.

Сўнгра бўри афсона бошлабди:

— Ёронлар, бизнинг ҳам бир қизиқ ҳикоямиз бор. Шу ўрмоннинг нариги чеккасида бир бойнинг қирқ мингта қўйи бор. Мен ҳар куни икки қўйни ейман. Мени ушлаш учун ҳамма ҳийлани ишлатдилар. Лекин ҳеч илож тополмадилар. Мана шу яқин орадаги қир бошида турувчи чол бобонинг бир ити бор. Агар шу итни сотиб олсалар, у мени тилка-пора қилар эди.

Энг охирида йўлбарс гап бошлабди:

— Бўри айтган бойнинг ўн минг йилқиси шу ўрмоннинг бир чеккасида ўтлаб юради. Мен шундан ҳар куни бир от ейман. Лекин шу отларнинг ичида бир ола айғир бор. Бир киши ана шу ола айғирга миниб, қўлига қирқ қилдан эшилган каманд олса, бир қўлида узун хода ушлаб, бўйнимга каманд солиб, мени ўлгунча урса, шу йилқига сира яқинлашмас эдим. Менинг энг катта душманам шу ола айғир эканлигини бой билмайди...

Йўлбарс афсонасини тугатиши билан тонг ҳам ёришибди. Ҳамма ҳайвонлар жой-жойига тарқаб кетибдилар.

Тўғрибой тандирдан чиқиб тулкининг маконига борибди. Қараса, ҳамма нарса жой-жойида, гўшт ҳам бор, ёғ ҳам бор, гуруч ҳам бор. Дарҳол қозонга ёғ солиб, оловни ёқа бошлаган экан, тоғ бошидан ошиб келаётган тулкини кўриб қолибди ва ўзини панага олибди. Тулки уйга келгач, қозонда ёғ доғ бўлаётганини кўриб, ҳайрон бўлиб қолибди. Шунда Тўғрибой тулкини таппа босиб, бўғиб ўлдирибди. Ош қилиб еб, қорнини тўйдирибди ва ётиб ухлабди. Эртасига Тўғрибой қашқир айтган тепаликни излаб кетибди. Уни ҳам топиб сичқонни ўлдирибди ва тиллаларини

белига тугиб олибди. Кейин айиқ айтган қайрағочнинг япроғини ҳам олибди.

Сўнгра чўпон томонга йўл солибди. Чўпонни топиб, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Шунда чўпон:

— Аҳвол ёмон, — дебди, — анча вақтдан бери бир бўри ҳар куни иккитадан қўйимни еб кетади. Ҳеч иложини қилолмайман. Хўжайин мени балога қўяди.

Тўғрибой сўрабди:

— Мен шу бўридан сизни қутқазсам, нима берасиз? Чўпон хўжайиндан қирқ қўй олиб беришга ваъда қилибди. Тўғрибой ҳалиги бобонинг итини сотиб олиб, чўпонга берибди. Чўпон бўри офатидан қутулибди ва Тўғрибойга хўжайиндан қирқ қўй олиб берибди.

Шундан сўнг Тўғрибой йилқичининг олдига борибди. У билан ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин: шу кечаси ола айғирни эгарлаб, қирқ қилдан эшилган камандни, уч газ ходани менга тўғрилаб беринг! — дебди.

Тўғрибой отни миниб, йўлбарс келадиган сўқмоқни пойлаб турибди. Бирдан йўлбарс ўрмондан югуриб чиқиб, ўзини отлар орасига урибди. Тўғрибой камандни ростлаб туриб, йўлбарснинг бўйнига солибди. Ўрмонда йўлбарсни айлантириб юриб, ўлгудай урибди. Йўлбарс ҳолдан кетиб йиқилибди. Йилқибон Тўғрибойнинг хизмати учун ола айғирни берибди. Тўғрибой ола айғирни миниб шаҳарга йўл солибди. Шаҳарга борса, бозорда жарчи жар солаётган экан:

— Подшоҳнинг қизи етти йилдан буён касал, кимки уни соғайтирса, подшоҳ ўшанга қизини беради!.. Соғайтиролмаса, ўлдиради!

Тўғрибой жарчининг орқасидан подшоҳ ҳузурига борибди ва қизини боқиб тузатишга ваъда берибди. Подшоҳ Тўғрибойни қизининг ҳузурига бошлаб кирибди. Тўғрибой ёнидаги япроқни қизга эзиб ичирибди. Шу билан қиз уч кун деганда соғайиб кетибди. Подшоҳ қизини Тўғрибойга берибди. Подшоҳ Тўғрибойдан сўрабди:

— Энди сизни қайси шаҳарга ҳоким қилай?

Тўғрибой айтибди:

— Менга ҳокимлик керак эмас. Ўрмон этагидаги тоғ устига бир уй солиб берсангиз, бас. Мен ўз меҳнатим билан кун кечираман.

Подшоҳ унинг айтганини қилибди. Тўғрибой хотини билан тоғда яшабди. Кунлардан бир кун туш вақтида ўзининг қадимги отини миниб бораётган ҳамроҳи Эгрибойга кўзи тушибди. Уни чақириб келтирибди ва яхшилаб зиёфат қилибди. Эгрибой:

— Дўстим, — дебди, бундай баланд жойга қандай қилиб иморат солдинг? Уйли-жойли бўлибсан, буларни қаердан топдинг? Бировга хиёнат қилган кишининг қорни сира тўймас экан. Сенинг отингни олиб қочиб, қаерга борсам, ишим чаппасидан келди. Ўшандан бери бир марта ҳам қорним нонга тўйганини билмайман.

Тўғрибой:

— Мана бу ўрмон ичида бир тандир бор. Мен ўша тандир ичида бир кеча ётиб, бу нарсаларга эришдим, — деган экан, Эгрибой:

— Садағанг бўлай, менга ҳам кўрсатиб қўй, мен ҳам ўша тандирда бир кеча ётиб чиқай, — дебди.

Тўғрибой уни бошлаб бориб, тандирни кўрсатибди. Эгрибой тандирга кириб ётибди.

Ўрмон ҳайвонлари яна йиғилишибди. Арслон подшоҳ:

— Менинг афсоначи дўстим тулки қаерда? — деб сўрабди. Қашқир ўрнидан туриб шундай дебди:

— Афсона курсин: у кунги афсонанинг касофати билан сиз тулки дўстингиздан, мен тиллали сичқонимдан айрилдим.

Унинг кетидан айиқ ўрнидан туриб:

— Қайрағочимизнинг япроқларини ҳам олиб кетибдилар, — дебди.

Навбат бўрига келганда, подшоҳга қараб дебди:

— Мен озиқ-овқатимдан ажрадим, чўпон мен айтган итни сотиб олди, тилка-порамни чиқазди. Калтак зарбидан аъзойибаданам шишиб кетди. Арслон подшоҳ қовоғини солиб туриб, буюрибди:

— Ким чақимчи бўлса, тутиб ўлдилинг!

Қашқир тустовуқдан кўрибди. Тустовуқ: “Чақимчи тандирда” деб учиб кетибди. Ҳамма ҳайвонлар бирданига тандирга югуришиб, унинг ичида беркиниб ётган Эгрибойни тутиб олишибди ва “чақимчининг жазоси — шу!”, деб уни тилка-тилка қилиб ташлашибди.

2.3. БАДИЙ АДАБИЁТ. ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ЛИТЕРАТУРА

А.П. ЧЕХОВ

В ПОЧТОВОМ ОТДЕЛЕНИИ

Хоронили мы как-то на днях молоденькую жену нашего старого почтмейстера Сладкоперцева. Закопавши красавицу, мы, по обычаю дедов и отцов, отправились в почтовое отделение «помянуть»,

Когда были поданы блины, старик-вдовец горько заплакал и сказал:

- Блины такие же румянькие, как и покойница. Такие же красавцы! Точь-в-точь !

- Да, - согласились поминавшие, - она у вас действительно была красавица... Женщина первый сорт!

- Да-с ... Все удивлялись, на нее гляючи ... Но, господе, любил я ее не за красоту и не добрый нрав. Эти два качества присущественны всей женской природе и встречаются довольно часто в подлунном мире. Я её любил за иное качество души. А именно – с: любил я её, покойницу, дай бог ей царство небесное, за то что она при бойкости и игривости своего характера, мужу своему была верна. Она была верна мне, несмотря на то, что ей было только двадцать, а мне скоро уже шестьдесят стукнет! Она была верна мне, старику!

Дьякон, трапезовавший с нами, красноречивым мычанием и кашлем выразил своё мнение.

- Вы не верите, стало быть? – обратился к нему вдовец.

- Не то что не верю, - смутился дьякон, - так ... Молодые жены нынче уж слишком тово ... рандеву, соус провансаль...

- Вы сомневаетесь, а я вам докожу-с? Я в ней поддерживал её верность разными способами, так сказать, стратегического свойства, вроде как бы фортификации. При моём поведении и хитром характере жена моя не могла изменить мне ни в каком случае. Я хитрость употреблял для охранения своего супружеского ложа. Скажи эти самые слова и – баста, могу спать в спокойствии насчёт верности.

- Какие же это слова?

- Самые простые. Я растрогивал по городу нехороший слух. Вам этот слух доподлинно известен. Я говорил всякому: «Жена моя Алена находится в сожительстве с нашим полицейским Иваном Алексеичем Залихватским». Этим слов было достаточно. Ни один человек не осмеливался ухаживать за Аленой, ибо боялся полицейского гнева. Как, бывало, увидят ее, так и бегут прочь, чтоб Залихватский чего не придумал. Хе-хе-хе. Ведь с этим усатым идиолом свяжись, так потом не рад будешь, пять протоколов составит насчет санитарного состояния. К примеру, увидит твою кошку на улице и составит протокол, как будто это бродячий скот.

- Так жена ваша, значит не жила с Иваном Алексеичем? - удивились мы протяжно.

- Нет-с, это моя хитрость ... Хе-хе-... Что, ловко надувал я вас, молодежь? То-то-вот оно и есть.

Прошло минуты три в молчании. Мы следили и молчали, и нам было обидно и совестно, что нас так хитро провел этот толстый красноносый старик.

- Ну, бог даст, в другой раз женишься! - прополчал дьякон.

ТҮЛҖИН

АСАЛАРИЛАР ОДАТИ

Бобом асалари боқади. Олмазор боғ. Боққа беда сепилган. Намхуш бўй димокқа урилади. Бедазор этагига ўрнатилган қатор асалари яшиқлари кишига завқ беради. Яшиқларга олма шохлари эгилган. Энг четдаги яшиқнинг туя кўзидек дарчаси олдида арилар гужғон ўйнайди. Арилар бозорига қизиқиб яқинрок бордим. Дарчанинг икки четида икки ари - ичкарига ҳам кирмай, йирокқа ҳам учиб кетмай бир жойда тўхтаб турган вертолётдай париллаб турибди. Булар – соқчилар. Дарчадан эса арилар тартиб билан саф тартиб учиб кириб – учиб чиқадилар. Улар дарчадан ичкарига кириб кетаётганларида соқчи арилар текширувидан ўтадилар. Шу пайт бир асаларини соқчи арилар ичкарига киритмадилар. Соқчилардан бири хатто уч-тўрт қадам нарига туртиб бориб ҳайдаб юбордида, шошиб яна ўз жойига қайтди. Қувилган ари яна қайтиб келди. Соқчи арилар яна қувладилар.

Бунга жуда қизиқиб қолиб, янаям диққат билан кузата бошладим. Қувиш ва яна қайтиб келиш уч–тўрт марта такрорланди. Навбатдаги қайтиб келишда соқчилар шилқим арини ўртага олиб калласини узиб ташладилар. Ҳайратланиб, бобомдан сўрадим. Бобом эса бамайлихотир жавоб берди:

- Асалариларда шунақа одат бор, болакай, ўз оила аъзоларидан биронтаси ифлос гул ширасидан сўриб келса, уйга киритмайдилар. Мабодо ўша ари шерикларига қўшиламан деб ҳаракат қилса, шунақа, калласини узиб ташлайди.

Дарча олдида соқчи асалари тинмай париллар, ерда эса ифлос гул ширасини сўриб келган шериги калласи узилганча ётарди...

ТЎЛҚИН

ЧУМОЛИ

